

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

“ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИҚ”
КАФЕДРАСИ

Малакавий битирув иши

**МАВЗУ: “ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ШАРҚ ВА
ҒАРБДА ИЛМ ФАН АНЪАНАЛАРИ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ”**

Кафедра тавсия этади:

баённома №

2010 й “ ” _____

Бажарди: 4-курс талабаси

Илмий раҳбар:

ф.ф.д., доц в/б.Ш.О.Мадаева _____

Такризчи:

ўқит.Х.Назиров _____

Рухсат берилди:

Тошкент-2010

МУНДАРИЖА

КИРИШ		
I БОБ. АНТИК ВА ЎРТА АСРЛАРДА ШАРҚ ВА ҒАРБДА ИЛМ ФАННИНГ РИВОЖИ		
1§	Қадимги Шарқ ва Ғарбда фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши	
2§	Илк ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбда табиий фанлар ривож	
II БОБ. ШАРҚ ВА ҒАРБДА ФАНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЮЗАГА КЕЛИШИ		
1§	Географик кашфиётларнинг маданиятлар ривождаги ўрни	
2§	XVII асрда Шарқ ва Ғарбда илм-фан анъаналари трансформациясининг юзага келиши.	
ХУЛОСА		
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		

КИРИШ

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин тарих ҳақиқатини, миллий онг ва миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, тарихий хотирани мустаҳкамлаш, миллий меросимизни, шу жумладан, дунё фани ва маданияти хазинасига ўчмас ҳисса қўшган олиму уламолар қолдирган меросни тадқиқ ва тарғиб этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда бу борада улкан ишлар қилинганидан кўз юмиб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганидек: «ҳар қайси ижодкор ўз асарларида анна шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади»¹.

Халқимизнинг бой тарихий меросини тиклаш ва ривожлантириш, бу борадаги вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маърифий-тарбиявий ишлар тизимини белгилашда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг ҳиссаси ниҳоятда катта.

Президент И.А.Каримов Ёшлик талабалар шаҳарчасида талабалар билан бўлган учрашувда ҳам фалсафа тарихига алоҳида эътибор қаратишни таъкидлаб ўтди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш ҳақида”ги 2004 йил 9 ноябрдаги қарорининг қабул қилиниши илгари фақат тор доирадаги мутахассисларгагина маълум бўлган Хоразм “Маъмун Академияси” фаолиятини батафсил ўрганиш, бу борадаги янги тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда бой илмий ва маънавий меросимизни халқимиз ва халқаро ҳамжамиятга етказиш, уни кенг кўламда тарғиб этишда муҳим дастуриламал бўлаётир. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маданият ишлари бўйича комиссияси - ЮНЕСКО вакили машҳур Хоразм “Маъмун Академияси”нинг 1000 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция ва юбилей тантаналари иштирокчиларини муборакбод этар экан, у мазкур халқаро ташкилот учун Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ташкилотнинг Хоразм “Маъмун Академияси”нинг 1000 йиллик юбилейидаги иштироки каби, Хиванинг Ичан қалъа қисмининг 1995 йилда Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилиши бунинг яна бир ёрқин далили бўлган эди.²

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон олимлари томонидан Шарқ ва Ғарб олимлари фаолиятига оид кўп ишлар амалга оширилган. Хусусан, унинг меросини тадқиқ этишга муҳим ҳисса қўшганлар қаторига И.М.Мўминов, М.М.Хайруллаев, У.И.Каримов П.Т.Булгаков, Л.К.Арендс, В.Й.Зоҳидов, Ҳ.Ҳасанов, М.Б.Баратов, Ю.Н.Завадовский,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -158 б.

² И.Каримовнинг Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Тошкент оқшоми. 3-ноябр 2006 й

А.Носиров, М.А.Усманов, Мак Усманов, А.Ф.Файзуллаев, Р.Носиров, А.Шарипов, А.Зоҳидий, С.Йўлдошев, Г.Носирхўжаева, Ф.Жўракулов ва бошқалар киради.

Малакавий битирув ишининг муҳокамадан ўтганлиги. Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети “Фалсафа тарихи ва мантик” кафедрасининг 2010 йил _____-сонли баённомаси илмий тадқиқотлар режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Шарқ ва Ғарб илм-фан анъаналарининг ўзаро трансформацияси жараёнини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Қадимги дунёда илм-фан анъаналари трансформацияси ҳақидаги манбаларни тадқиқ этиш;
- Қадимги даврда Марказий Осиёдаги илмий-фалсафий фикрларнинг антик фалсафий ғояларида ифодаланишини ўрганиш;
- Антик фалсафада онтологик ва гносеологик ғоялар шаклланишининг тарихий ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш;
- Марказий Осиё илк уйғониш даврида Афлотун ва Аристотел ғояларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти. Қадимги ва ўрта аср Шарқ ва Ғарбда фанлар трансформациясини жараёнини ўрганиш.

Тадқиқотнинг предмети Шарқ ва Ғарбда илм фан трансформациялари жараёнини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Диссертациянинг назарий – методологик асоси

И.А.Каримов имзолаган “Хоразм Мамун Академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 9-ноябрдаги қарори, шунингдек И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” (Т.: 2008) китобидаги халқимизнинг бой илмий – фалсафий меъроси, маънавий қадриятлари, шу жумладан Берунийнинг жаҳон илм – фани, маданияти тараққиётидаги буюк ўрни, унинг ривожига таъсири, илмий объективлик ва тарихий ҳаққонийлик методи, эътиқод, дунёқараш ва маънавий идеалларга содиқлиги, инсонпарвар ва ижтимоий адолатпарварлигини баҳолаш билан боғлиқ кузатиш, ечимлари хулосалари, ушбу диссертацион тадқиқотимиз учун назарий – методологик асос вазифасини ўтади.

Тадқиқотнинг методлари. Диссертацияда қўлланилган конкрет илмий – тадқиқот принциплари асосан ҳозирги фалсафа тарихи фанида кенг, самарали қўлланилаётган мантикийлик, қиёсий ва манбааларни таржима қилиши методларидан фойдаландик.

Ишнинг илмий янгилиги. Қадимги Шарқ ва Ғарб халқлари илм-фан анъаналари трансформацияси жараёнининг ўзига хос жиҳатларини фалсафий – тарихий тадқиқ этилганлиги.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишнинг назарий аҳамияти жаҳон халқлари фалсафаси тарихида Шарқ ва Ғарб илм-фани анъаналарининг трансформацияси жараёнини ёритиш унинг илмий қимматини ёритишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шунингдек,

тадқиқотда келтирилган материаллар баъзи илмий хулосалар, истиқболдаги диссертация ишлари ва тадқиқотлар учун муайян асос бўлиши мумкин. Ишнинг **амалий аҳамияти** Республикамизда демократик ислохотларни такомиллаштириш ва умуминсоний ғоя руҳида баркамол авлодни тарбиялашда, тарғибот ишларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, битирув малакавий ишидан “Фалсафа тарихи”, “Жаҳон фалсафаси”, «Ижтимоий фалсафа» каби фанлардан тегишли мавзулар бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Битирув ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иш Кириш, иккита боб, тўртта параграф, хулоса, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами _____ бетни ташкил этади.

I БОБ. ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ШАРҚ ВА ҒАРБДА ИЛМ ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1§ Қадимги дунёда илм-фан анъаналари трансформацияси ҳақидаги манбалар тўғрисида

Қадимий маданият ўчоғи бўлмиш Марказий Осиёнинг қулай географик жойлашиши, табиати, иқлими минтикада ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аввалроқ бошланишини таъминлади. Шарқ билан Ғарбни, Юнонистон ва Римни, Месопотамия, Эрон, Миср, Ҳиндистон, Хитойни ва турли халқлар маданиятини боғловчи халқа вазифасини ўтади. Шу хусусиятлари ўлароқ кўпгина мамлакатларнинг саркардаларни (Доро, Кир, Александр Македонскийлар) ўзига жалб этди, қайта-қайта забт этилишига сабаб бўлди.

Қадимги дунё тарихида эллинизм энг мураккаб деб ҳисобланган давр. Эллинизм – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ва маданий ҳаётда юнон ва ерлик Марказий Осиё халқларининг хусусиятларини ўзида мужассам этган тарихий реалликдир. Эллин маданиятининг тараққий этишида Шарқ катта аҳамият касб этган. Яқин ва ўрта Шарқда ривожланган илм-фан, айниқса фалакиёт, риёзиёт, тиббиёт, ўзига хос қишлоқ хўжалигининг мавжудлиги, юнонларга таниш бўлмаган экин экиш, ҳосил олиш усуллари ўрнатилди. Айниқса, бир-бири билан алоқаси кам бўлган мустақил шаҳар-давлатлар тузуми шароитида яшашни ўрганган босқинчилар Шарқда ягона давлат, йўлга қўйилган савдо алоқалари, шаҳарлараро йўллар, кўпригу роботлар умумий дин, ибрат олишга аризулик кўп нарсаларнинг борлигини кўрдилар. Умумий тил эса маданиятининг ривожланишида муҳим омил бўлди. Ҳатто юнонистонлик мутафаккир Афлотун (Плотон) ўзининг асарида шундай ёзади: «Биз эллинликлар варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтаришимиз керак»¹.

Юқорида қайд этиб ўтилган жумлалардан шуни англаш мумкинки, Шарқ халқларининг инсоният маданияти пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссаси Ғарб халқлари томонидан тан олинган.

Минтақамизни араблар томонидан босиб олиниши иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётда дастлаб бир қанча қийинчиликларга олиб келди. Кўп ўтмай Ғарбда Испаниядан, Шарқда то Хитой чегарасигача бўлган минтақани ўз ичига олган буюк Халифалик давлати вужудга келди. Натижада майда давлатлар ўртасидаги низоларнинг барҳам топди, умумжаҳон савдо алоқасида иштирок этиш, умумий пул алоқаси, ислом дунёсидаги халқлар билан тенг ҳуқуқли иқтисодий, маданий алоқада бўлиш каби тараққиётнинг юқори даражаси шаклланди.

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: Фан, 1997. 223 б.

Маълумки, мазкур даврга қадар кўп мамлакатлар жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари араблар томонидан забт этилди, ва Ганга дарёсидан то Испаниягача бўлган улкан ҳудудда Араб империяси - халифалик шаклланди. Араблар сиёсати фақат тобе халқларни эзишни кучайтиришга эмас, балки улар маданиятини йўқ қилишга, улар орасида исломни тарқалишига йўналтирилган эди.

Ислом динининг кенг тарғиб қилиниши, масжидларнинг қурилиши, шариат қонун-қоидаларининг жорий этилиши, Араб халифалигига бўлган қарамлик натижасида Яқин ва ўрта Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида ислом мустаҳкам ўрин эгаллади¹.

Исломий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб кетиши бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ислом диний ақидаларининг кенг тарғиб этилиши ва ҳукмрон мавқени эгаллашига қарамай, маҳаллий халқларнинг маданияти, умуман халифаликка ва хусусан Яқин Шарқдаги араб мамлакатларининг маданий ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Таниқли файласуф В. В. Соколов таъкидлаганидек, VII асрда араблар томонидан босиб олинган Испания, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ давлатларида фан, маданият юқори чўққига кўтарилдики, унинг асосини фалсафа ташкил этади. Яқин Шарқ ва араб Испаниясида асос солинган бу фанлар кейинчалик Ғарбий Европага тарқалди ва ривожлантирилди².

Босиб олинган ўлкалардаги иқтисодий, маданий алоқаларнинг таъсири остида халифаликнинг марказий ўлкаларида қулдорлик билан бирга феодал муносабатлар ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб борди³.

Бу даврда яшаб ижод этган алломалар, олимлар янги диний ғоялар қарашларни қабул қилганлар, ўзлаштирганлар. Ўрта аср мутафаккирларидан ал-Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Беруний, Ибн Рушд ва бошқаларнинг ўз асарларини Аллоҳ номи билан бошлаб, унинг номи билан тугатишлари фикримизнинг далилидир. Худди шу ҳолат бу даврда яшаб ижод этган мутафаккирлар фалсафий дунёқарашининг ўзига хос тарзда шаклланишига ҳам сабаб бўлди.

Бизга маълумки, ўрта аср файласуфларининг дунёқарашини антик давр олимлариникидан жиддий фарқ қилади. Ўрта аср файласуфларининг дунёқарашига диний мафкура кучли таъсир ўтказган.

Худо, олам ва инсоннинг дунёдаги ўрни ҳақида ўрта асрларда муайян диний қарашлар тизими мавжуд бўлган.

Шунингдек, бу даврда Марказий Осиёда зардўштийлик динига муҳолифатда бўлган монийлик ва маздакийлик таълимотлари ҳам кенг тарқалган эди. Маздакийларнинг баъзи ғоялари VIII-IX асрларда ҳам ўзининг кўплаб тарафдорлар (мухаммирлар, хуррамийлар)ига эга бўлган.

VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX асрнинг биринчи ярмида Яқин, ўрта Шарқ мамлакатларида дунёвий билимлар тез ривожланди. IX асрдаёқ

¹ Беруний Абу Райхон. қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 жилд. 72-б.

² Соколов В. В. Средневековая философия. –М., 1979. –С. 191.

³ Грюнбаум Г. Э. Классический ислам. –М. Наука, 1998. –С. 119.

дунёвий фанлар халифалик давлатларида тобора кенгрок тарқалди. Уларнинг сони кўп бўлиб, айрим мутафаккирлар томонидан таснифланган. Ўрта аср улуғ араб мутафаккири Ибн Халдуннинг қуйидаги фикрлари эътиборимизни тортади: «Билимни шаҳарларда ўрганиш ва ўқиш предмети бўлиб хизмат қиладиган фанлар икки турга бўлинади:

1. Табиий фанлар, улар ақл кўзи билан эгалланади.
2. Анъанавий фанлар, улар ким асос солганига қараб тақлид қилиб ўрганилади»¹.

Шу кунгача IX-XII асрда яшаб ўтган Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, тарихий ҳаётини ўрганишга бағишлаб жуда кўплаб асарлар, илмий мақолалар ёзилган².

Шарқ фалсафаси ривожланишига Аристотел асарлари муҳим ғоявий манба бўлиб хизмат қилди.

Антик фалсафадан Ўрта аср Шарқ фалсафасини ўтишнинг ўрганиш ўзига хос томонлари, муаммолари мавжуд. Уларни ҳал қилиш учун, аввал, Платон ва Аристотел фалсафаси Шарқ мутафаккирларини қайси ғоялари билан ўзига жалб қилганлигини, улардан қайсилари бу таълимотларга асос бўлганлигини аниқлаш. Яқин ва ўрта Шарқ мутафаккирларининг дунёқарашларини, тафаккур қилиш усулини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Антик фалсафадан Шарқ фалсафасига ўтишда Платон ва Аристотел таълимотларининг Шарқ, шу жумладан Марказий Осиё мутафаккирларининг дунёқарашида ўзаро тутшиб кетиши яққол кўринади. Тарихчи Иброҳим Мадкур қуйидаги фикрларни билдиради: «Агар мусулмон файласуфлари Аристотелни унинг китоблари ва перипатетиклар мактаби вакиллариининг асарлари орқали билганларида эди, улар бизга қолдирган таълимотларидан ўзгачасини қолдиришлари шубҳасиз эди. Лекин «биринчи ўқитувчи» орасида Александрия мактабининг мавжудлиги уларга кучли таъсир кўрсатди. Александрия мактаби бу файласуфлар билан бевосита шуғулланди ва турли таълимотларни тадқиқ этиб, уларни диний талабларга мос равишда ўзгартириб чиқди. Агар Аристотел арабларга неоплатониклар талқинида маълум эканлигини эътиборга олсак, мусулмон файласуфлари Аристотелнинг энг яқин шогирдларига Порфирий, Темистий, Аммоний ва Давид Арманскийларга нисбатан кўпроқ билганликлари тушунарли бўлади. Мусулмон файласуфларининг фикрича, Александрия мактаби вакиллариининг шарҳлари Аристотел таълимотига қўшимча ҳисобланади»¹.

Бизнингча, Платон ва Аристотел таълимотларининг ўрта асрларда Яқин Шарқда кенг тарқалиши, уларнинг турли ғоявий оқимлар томонидан ўзлаштирилиши, ҳар икки Юнон мутафаккири дунёқарашининг кенглиги, тизимли, изчиллиги билан изоҳланади.

Маълумки, Шарқда Афлотун (Платон) таълимоти ниҳоятда машҳур бўлган. Айниқса, унинг сиёсий таълимоти кўплаб мутафаккирлар томонидан

¹ Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. –М.: Соцгиз, 1961. –С 622.

² Бартольд В. В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. –М., 1963. Работа по отдельным проблемам истории Средней Азии, Соч. Т. II, ч. 2. –М., 1964.

¹ С. Н. Григорян. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. М., 1966. С. 84.

чукур ўрганилган. Айниқса ал-Фаробийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида ҳам Афлотун ғояларининг таъсири катта бўлган. Бу даврда риёзиётга бўлган қизиқишнинг кучайиши (баъзи мутазиллийлар ва «соф биродарлар») Пифагор ҳамда неопифагорчилар таълимотининг ҳам Яқин ва ўрта Шарқда кенг тарқалишига ва ундаги мистик ғояларнинг ўзлаштирилишига сабаб бўлди.

Антик Юнон фалсафий меросининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли ғоявий-фалсафий оқимларнинг шаклланиши ва ривожланишига кўрсатган сезиларли таъсири айниқса, Шарқ мутафаккирларининг фалсафий ва мантикий таълимотларида яққол намоён бўлди. Яқин ва ўрта Шарқ олимлари араб ислом дунёси сиёсий истилоларини тугатар-тугатмас юнон маданияти, табиатшунослиги ва фалсафасини кунт билан ўзлаштиришга киришди. Кўплаб илмий ва фалсафий асарлар таржима қилиниб, уларга шарҳлар ёзилди.

Антик давр файласуфлари асарларининг юнончадан сурён тилига таржима қилиниши V асрга тўғри келади. 457 йилда яшаб ўтган Ибасу Порфирийнинг «Введение» («Кириш») асарини таржима қилди. VIII асрга келиб юнон олимларининг асарлари сурёндан арабчага таржима қилина бошланди. IX асрдан бошлаб Аристотел ва бошқа юнон муаллифларининг илмий ишлари сурия тилидан, шуниндек юнонча асл нусхасидан араб тилига таржима қилиш ишлари жадаллашди.

IX аср илмий таржима фаолиятининг энг юксак даври ҳисобланади. Араб тили барча соҳаларда - фан, фалсафа ва ҳуқуқшуносликда мустаҳкам ўрин эгаллади. Халифа Маъмун бошқаруви даврида илмий ва бадий таржимонлик фаолияти янада гуллаб-яшнади. Бағдодда суриялик христианларнинг юнон фани ва фалсафасини таржима қилишда таржимонлар мактабининг раҳбари улуғ мутаржим Хунайн ибн Исроқ (810-877 йй.)нинг хизматлари улкан бўлган. Бу мактабда китоблар асосан юнончадан сурия тилига таржима қилинган бўлса, унинг ўғли Исроқ ибн Хунайн (910-911 йй.) даврида эса араб тилига таржима қилинган рисоаларнинг сони янада кўпайди.

Хунайн ибн Исроқнинг раҳбарлиги остида Евклид, Аристотел, Гиппократ, Архимед, Апполоний, Гален каби юнон олимларининг тиббиёт ва тарихга оид қатор китоблари таржима қилинди.

Аристотел асарларининг таржимонларидан бири - Абу Машр Батта ибн Юнус 939 йилларда яшаб, ижод этган ва Яқин Шарқда мантиқ илмининг йирик мутахассиси сифатида шуҳрат қозонган. Ибн Юнус Аристотелнинг «Иккинчи Аналитика», «Поэтика» асарларини таржима қилган.

Арастунинг мантикий-илмий асарларининг таржима қилиниши ва уларнинг Шарқ таҳлилчилари томонидан шарҳланиши, шунингдек араб мутафаккирларининг ажойиб мантикий изланишлари Фарангистон ва Испанияда XII-XIII асрларда араб илмий адабиётларини ўзлаштиришга йўналтирилган таржима фаолиятида муҳим ўрин тутган ҳамда кенг миқёсда тарқалган.

Таржима қилинган асарлар Яқин ва ўрта Шарқ мутафаккирлари, шу

жумладан Марказий Осиё олимлари томонидан чуқур ўзлаштирилди ва ўрганилди. Таржимонлар Аристотел асарларини яхшироқ тушуниш учун унинг шарҳловчилари Теофраст, Аммоний Саккас, Александр Афродезийский ва Гален асарларини ҳам таржима қилганлар. Шунга қарамасдан, Яқин ва ўрта Шарққа Аристотелнинг баъзи асарлари бузилган кўринишда, унга ёт бўлган унсурлар билан қўшилган ҳолда кириб келди. Лекин Ф. Т. Фидаевнинг таъкидлашича, мантиққа оид асарларнинг таржимаси ахлоқ ва метафизикага оид асарларга қараганда асл нусхага яқинлиги билан ажралиб турган¹.

Қадимги Юнон ва Римнинг мантиқ илмини жуда яхши билган Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Киндий (801-866 йй.) араб халифалигида яшаб ижод этган. Ўз даврида у ҳинд ва эрон қадим фалсафий илмлари билан ҳам жуда яхши таниш бўлган. Ал-Киндий юнон файласуфларининг асарларини ўрганиш асносида Аристотелнинг «Метафизика», «Категория», «Иккинчи аналитика», «Органон»га кирувчи бошқа асарларини, Птоломейнинг «География», Альмагест» Евклиднинг «Элемент» каби асарларини таржима қилди ва изоҳлади, У фақат юнон олимларининг меросларини ўрганибгина қолмай, уларнинг айримларига бағишлаб оригинал асарлар ҳам яратди. Ал-Киндий Аристотелнинг «Иккинчи Аналитика»сини Евклид геометрияси билан солиштириш ғоясини илгари сурган ҳолда мантикий исботлашни тушуниш ва ундан фойдаланиш учун геометрияни ўрганиш зарур деб, ҳисоблаган. Унингча, фақат шундагина мантикий исботлашнинг қоидаларини англаш мумкин. Ал-Киндий бирорта буюм ҳақидаги фикрни исботлашни унинг мавжудлигига, борлигига ишонмасдан туриб бошлаш мумкин эмас, дейди. Унинг фикрича, исботлашнинг мақсади буюмни ташкил этувчи шаклни ўрганишдан иборатдир.

Ал-Киндийнинг фалсафий ва мантикий асарлари, унинг рационалистик йўналишдаги фикрлари – Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Беруний ва бошқа прогрессив мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган. Унинг асарлари ўрта асрлардаёқ Ғарбий Европада кенг шухрат қозонди. Ал-Киндийнинг ижоди ва илмий меросига бўлган қизиқиш XIX асрда кучайган ва унинг асарлари турли тилларга таржима қилинган. Унинг асарларининг илк таржимаси лотин тилига Герард Кримонский (1114-1187), Арналдус Виллоно Винус (XIII) томонидан амалга оширилган.

IX-XI асрларда мантиқ масалалари билан чуқур шуғулланган Марказий Осиё олимларидан Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллох ал-Хоразмийларни кўрсатиш мумкин. Бу мутафаккирларнинг мантиққа бағишлаб ёзган асарлари асосан тўққиз номдан иборат -лигини ва уларнинг номланиши, кетма-кетлиги бир хил эканлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб Аристотелнинг «Органон»ини ташкил этувчи олти мантикий рисоаларига («Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддия») сурияликлар унинг

¹ Фидаев Ф. Т. Античное философское наследие в арабоязычной науке IX-XI вв. дисс. канд. фил. наук. Т., 1993.

«Риторика»си билан «Поэтика»сини ҳам қўшганлар. Бундан аввалроқ эса унга Порфирийнинг «Исагувчи» асари қўшилган эди. Шундай қилиб, «Органон» тўққиз рисоладан иборат бўлган яхлит таълимот сифатида араб файласуфлари томонидан қабул қилинган.

IX-XII асрларда яшаб, баракали ижод қилган Марказий Осиё олимлари Аристотелнинг фанлар таснифини ўрганиб, уни ривожлантирдилар. Бунда Аристотелдаги тўрт фаннинг ҳар бири назарий ва амалий қисмларга бўлинади, яъни фанлар дифференцияси амалга оширилди. Бундан ташқари бир қатор янги фанлар, масалан, ҳужжатлар устида ишлаш, ер майдонларини ҳисоблаш, тарози ва оғирликларни ўлчаш, минералогия, геодезия, фармакогнозия, алкимё ва бошқалар киритилди¹

Марказий Осиё мутафаккирлари мантиққа оид асарларида Аристотелнинг мантикий таълимотини тиклабгина қолмасдан, уни ижодий ривожлантирдилар, янги ғоялар билан бойитдилар. Аристотелнинг мантикий қарашларида маълум бир камчиликлар, ноизчиликлар ҳам мавжуд эди. Бу айниқса унинг силлогизм назарияси аҳами-ятини бўрттиришида яққол намоён бўлди. Бунга Марказий Осиё мутафаккирлари ўз эътиборини қаратдилар.

Маълумки, мантикий масалаларни ҳал этишда, ҳақиқатни ёлғондан ажратишда Аристотел предмет ва ҳодисаларнинг объектив, реал моҳиятга эга эканлиги ҳақидаги тасаввурдан келиб чиққан. Файласуф ўз замондошларига қарата: «Борни йўқ ва йўқни бор дейиш хатодир, борни бор ва йўқни йўқ, дейиш ҳақиқатдир», деган эди. Марказий Осиё олимлари буни ҳам ҳисобга олганлар. Уларнинг антик давр фалсафаси ва мантиқ илмига бўлган муносабатини тўғри тушуниш учун Форобийнинг «Катта мусиқа китоби»даги қуйидаги фикрларига эътибор бериш зарур: «... асарда қандайдир бир масала ноаниқ қолган бўлса ва бошқа бирор турдаги айб-нуқсонлар бўлса, асарни такомиллаштириш унутилган ва қолдирилган нарсалар ҳақида шарҳ-изоҳлар бериб бориш учун иккинчи бошқа кишига ижозат берилган, яъни, айтиб қўйиб, иккинчи киши биринчининг фикр-мулоҳазаларига аниқлик киритиб, унинг фикрини ойдинлаштирсин. Бу ҳолда муаллифликка сазоворлик биринчи китоб ёзган кишининг ҳаққи бўлиб, иккинчига, аввалги кишининг фикр-мулоҳазаларига шарҳ ва изоҳ беришдан бошқа иш учун улуш берилмайди».

Форобий бошқа фан соҳалари каби фалсафа мантиқ, илмида ҳам Аристотелнинг таълимотини такомиллаштиришга, унутилган ва қолдирилган масалаларни ойдинлаштиришга, ушбу масалага оид янги фикрларни баён қилишга ҳаракат қилган, мавжуд фикрларни шунчаки такрорлашни ўзига эп кўрмаган². Н. Ришернинг таъкидлашича «Ал-Форобий фалсафанинг бошқа соҳаларига нисбатан мантиққа жуда кўп эътибор берган, шу сабабли ҳам уни

¹ Ибодов Дж. Х. Классификация наук в средневековых энциклопедиях Абу Абдаллаха ал-Хорезми, Фахрид-Дина ар-Рази, Кутбад-Дина аш-Ширази и Бана ад-Дина ал-Амила //Тезисы XXXIV Всесоюзной научной конференции. –М.: ИИЕ и ТРАН, 1992. –С. 35-36.

² Форобий. Катта мусиқа китобида //М. М. Хайруллаев. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. Т.: Фан. 242–244-б.

араб халқлари ичида мантиқ соҳасидаги етакчи мутахасис деб аталишига сазовордир». Ришернинг бу фикрларини Абул-Қосим Саид ибн Ахмад ҳам ўзининг «Ат-таъриф фи табакат ал-умам» асарида таъкидлаб шундай ёзади: «Ал-Фаробий мантиқ илмини Иоанн ибн Жиландан ўргатган. Мантиқ муаммоларини ҳал этишда ўз давридаги мусулмон мантиқшунос алломалардан ўзиб кетган. У мантиқ илмидаги ўзига қадар номаълум бўлган сирларни очиб берди ва бошқаларнинг бу илмини ўзлаштиришини енгиллаштирди. Ал-Фаробий ўзининг асарларида мантиқни тушунишни ва уни эгаллашнинг нозик томонларини, шунингдек, фикрни равоқ ифодалаш ҳақидаги ҳамма маълумотларни тўплади. Фаробий, Ал-Киндий аниқлаёлмаган мантиқнинг беш муаммосини ишлаб чиқди ва уларни силлогизмда қандай фойдаланишни кўрсатиб берди. Шу сабабли ҳам унинг асарлари мукаммалikka эришган»¹.

Аристотел тадқиқотларининг натижаси ўлароқ мантиқ илми ҳозирги кунга қадар фалсафий билимлар тизимида муҳим ўрин эгалловчи фан бўлиб қолмоқда.

Ал-Фаробий мантиқий тадқиқотлар ривожининг беш асосий даврини кўрсатади:

1. Дастлабки юнонча (Арасту ва унинг издошлари) даври.
2. Искандария (Август Октавиан юришидан Клеопатранинг ағдарилишигача) даври.
3. Христианликнинг кириб келишига қадар римликлар ҳукмронлиги даври.
4. Арабларгача христиан ҳукмронлиги даври.
5. Араб-мусулмон даври.

Решер фикрича, Фаробийнинг мантиқий тадқиқотлар тарихининг бу беш даври ҳақидаги маълумотларнинг ишончилиликка барча асослар мавжуд.

А. О. Маковельский Фарбий Европа схоластика ривожига ва Арасту мантиғининг ўрганилишини икки босқичга бўлади: бошланғич даври (Арасту мантиғи ва Платоннинг католик черкови билимлари фалсафанинг бирлашиши билан характерланиши) ҳамда Арастунинг асл нусхадаги асарлари билан танишиш асосида схоластиканинг тўлиқ ривожланган даври². Иккинчи давр эса, схоластиканинг гуллаб-яшнаши бўлиб, бу XIII асрга тааллуқлидир. Бу даврга келиб Фарбий Европа фани араб, яҳудий, Византия фанлари ютуқлари билан ривожланди ва шу йўл билан Фарб Арастунинг «Органон»ига киритилган илмий ишлар ҳамда унинг қолган барча мантиқий асарлари билан танишди. XVI асрдан бошлаб Арасту асарлари Фарбий Европа мантиқий қарашларининг вужудга келишига асос солди, натижада Фарбий Европалик схоластлар томонидан Аристотел асарларига кўпгина шарҳлари битилди. Илоҳиятнинг ўзи Арасту фалсафаси билимларини сингдира бориб, қайта шаклланади. Албатта, бунда Арасту

¹ Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т.: Фан, 1981. –С. 15.

² Маковельский А. О. История логики. –М., 1967. –С. 268.

фалсафаси ва мантиғи, ўз навбатида, уларни хиристиан илоҳиятига мослаштириш мақсадида схоластик қайта ишлашга дучор этилганлигини назарда тутиш жоиз»¹.

Шундай қилиб, Шарқ олимлари томонидан авайлаб сақланган ва ривожлантирилган Арастунинг мантикий анъаналари VI-XII асрлардан бошлаб Юнон олимларининг табиий фанлар ва фалсафий ишларни арабчадан лотинчага таржима қилишлари туфайли секин-аста Ғарбий Европа фанининг мулкига айлана борди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, илк ўрта асрларда яшаб ижод этган Марказий Осиё мутафаккирларининг барчаси антик давр меросига ал-Фаробий каби муносабатда бўлган, мавжуд билимларни танқидий ўрганиб, янги илмий ғояларни илгари сурганлар. Бу даврда диний ва дунёвий илмлар каторида мантиқ илми ҳам ўз ривожининг янада юқорироқ поғонасига кўтарилди.

Араб тилида ижод этган ал-Киндий, ал-Фаробий ва Ибн Синоларнинг мантиқ илмини, илмий атамаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ хизматлари ҳам бекиёсдир. Улар, асосан, атамаларни ўзгартириш йўлидан эмас, балки фалсафий-мантикий луғатни кенгайтириш йўлидан бордилар. Бу файласуфларнинг ҳар бири ўзини қизиқтирган муаммо билан шуғулланган экан, шу муаммога мос равишда атамаларни ишлаб ҳам чиққан. Ал-Киндий файласуф ва табиатшунос сифатида тиббий-илмий луғатни кўпроқ ишлаган. Ал-Фаробийнинг фалсафий луғати эса анча кенг бўлиб, унга мантикий, ижтимоий, ахлоқий атамалар, жон билан боғлиқ тушунчалар, категориялар, умуман олганда, ал-Киндий ишлаб чиқмаган атамалар киритилган. Ибн Сино улардан ҳам илгарилаб кетиб, янги фалсафий, мантикий атамаларни ишлаб чиққан.

2§ Қадимги даврда Марказий Осиёдаги илмий-фалсафий фикрларнинг антик фалсафий ғояларида ифодаланиши

Испанияда салкам саккиз аср давом этган араблар ҳукронлиги, ярим оролда Шарқ маданияти, илм-фан, фалсафа, бадиий адабиётнинг ривожланиши, халифаликни ташкил этган бошқа халқлар, айниқса Мовароуннаҳр, Эрон маданиятининг араблар томонидан ўзлаштирилди. Испанияда эса янада такомиллаширилиши натижасида Европа халқлари, айниқса Испания билан чегарадош мамлакатларга кучли таъсир кўрсатди. Француз олими Г. Куарди «Араб фалсафаси ўрта аср Европасида» номли асарида шундай деб ёзади: «Бағдодда Оббосийлар, Кордовада Умавийлар ва Алмовийлар саройида VII-XII асрларда Марказий Осиёда мусулмон риёзиёт ва файласуф мутафаккирлари билан боғлиқ бўлган ажойиб олимлар мактаби

¹ Маковельский А. О. История логики. –М., 1967. –С. 274.

фаолият кўрсатади. Улар илм-фаннинг юксак ривожини таминладилар. Шундай қилиб Самарқанддан Толедогача яхлит бир маданий тараққиёт йўли чўзилди. Европа то XII асргача грек-араб фанининг чекка вилояти эди, холос»¹.

Испанияда шакилланган таржимонлар мактаби нафақат «грек-араб фани»нинг, балки Мовароуннахр файласуфлари ал-Киндий Муҳаммад Мусо Хоразмий, ал-Форобий, ал-Фарғоний, Ибн Сино, ал-Беруний каби кўплаб олимларнинг асарлари билан Ғарбий Европани баҳраманд қилди.

Ал-Киндий, ал-Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, ар-Розий каби Шарқ мутафаккирларининг асарлари ҳам лотинчага бир неча бор таржима этилиб, улардан ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилди.

Француз олими Гюининг фикрича, Европа XII-XIII асрларда Шарқ олимлари асарлари таржимаси билан танишгач, Шарқ маданияти билан янада яқиндан танишиш эҳтиёжи туғилди. Шарқ фани хазинасидан янада кўпроқ фойдаланиш, ўрганиш учун 1311-1312 йилларда Вена соборининг қарорига мувофиқ Париж, Рим, Оксфорд, Болония каби университетларда Шарқ тиллари кафедралари очилди¹.

Профессор Б. Д. Петровнинг ёзишича «Европани Аристотел таълимоти билан таништириш хизмати ал-Форобийга талуклидир ... Ал-Форобий умуман ўрта аср маданиятининг энг буюк фигураси бўлмиш Ибн Синони юзага келишига замин хозирлади¹.

Форобий юнон тилини яхшигина билган, унинг исботи асарларида келитирилган парчалар эканлигини айтиб ўтиш жойиз, бундан ташқари, олим юнонча сўзлар, айрим илмий атамаларни тушуниш онсон бўлсин учун маъно жиҳатидан тенг бўлган бир неча араб сўзларини ҳам берган¹.

Ибн Сино ўзининг мантикий таълимотларини қадимги юнон мутафаккирларининг таълимотларидан келиб чиқиб илгари сурган. Ибн Сино сингари Марказий Осиё ва Эрон мантиқшунослари мантиқ илмининг асосчиси сифатида Аристотелни тан олганлар.

Ал-Форобий, Ибн Сино ўз замондошлари сингари «биринчи ўқитувчининг» мантикий асарларини катта қизиқиш ва эътибор билан ўргандилар. Аммо ўзининг мантикий изланишларида ва дунёқараш-ларида Ибн Сино Аристотелга тақлид қилмаган.

Абу Али Ибн Сино ва унинг замондошларининг фалсафий таълимотлари сўзсиз Ғарбий мамлакатларнинг фалсафий илмий ривожланишига таъсир кўрсатган. Аристотел қарашларини ўргана бориб, Ибн Сино фалсафа ва мантиқни ўз холича, мустақил ҳолда ривожлантирди. Баъзи ҳолларда ўзи қарашларни Аристотел қарашларига қарши қўяди. Аристотелнинг фалсафий, мантикий таълимотларини тақлидчиси эмаслигини такидлаган. Ибн Сино нафақат юнон мантиғини, балки ҳинд мантиғини ҳам жуда яхши билганлигини исботлаб борган¹. «Ҳикмат-ул-машрикийин» асарининг сўз бошисида Шарқ фалсафасининг ўзига хос хусусиятларини ва махсус фалсафий қарашларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Айнан мана шу асарида Ибн Сино Аристотелнинг ҳаққоний деб тан олинган фалсафий назариясини ҳақиқатан бир оз оғишганлигини айтиб

ўтган. Ибн Сино бу асарида Аристотел таълимотларидан ўзиб кетиб, ўзининг хусусий қарашларини ифодалаган. XII асрда ижод этган араб файласуфи Ибн Туфайл Ибн Сино фалсафий қарашларидаги ва ўтмишдошларининг фалсафий қарашлари ўртасидаги бу фарқни кўра билган.

Бу китоб кейинги давр файласуфларнинг таълимотларига сўзсиз катта таъсир кўрсатган. Хусусан XIII асрнинг буюк файласуф Роджер Бэконга ҳам¹.

Афсуски бу асарнинг сўз бошиси ва мантиқ қисмига оид унча катта бўлмаган қисми сақланиб келган. Мутафаккир бу қисмда қадимги юнон мантиғига таълуқли умумий саволларни кўриб чиққанлигини, кейинги асарларида эса бу саволларни жиддироқ текшириб, ўзининг танқидий фикрларини билдиришини айтиб ўтган.

Юқорида айтиб ўтган фикрлардан кўриниб турибдики Ибн Сино фалсафий муаммоларини мантиқий муаммолар билан аралаштирувчиларга қарши бўлган, шу жиҳати билан ҳам у Аристотел билан келишолмасди. Чунки унинг қарашларида бу икки фан муаммолари ўртасида аниқ чегара йўқ эди.

Француз ориенталисти Л. Массиньон, Ибн Синонинг бизга етиб келмаган «Шарқ мантиғи» номли асарининг баъзи жиҳатларини ва сўзбошисини ўрганиб, шундай хулосага келади: Ибн Сино Раймонд Луллидан (1235-1315) бир мунча вақт илгари математик принуиплар асосида мантиқни формализация қилишга ҳаракат қилган¹.

Ҳақиқатдан ҳам Ибн Сино мантиқ ва риёзиётни боғлашга ҳара-кат қилди ва риёзиётнинг методларини мантиқ соҳасида қўллаш жуда яхши натижалар беришига риёзиёт катта билимдони сифатида ҳеч ҳам шубҳа қилмаган.

Ал-Форобий, Ибн Сино ва унинг мактаби вакиллари қадимги юнон мутафаккирларининг фикрларини, хусусан Аристотел таълимотини шунчаки ўрганиб ва уларга тақризлар ёзиш билан чекланмай, балки уларнинг камчиликларини тузатдилар, ўзларининг ғоя ва мулоҳа-залари билан ривожлантирдилар.

Шунингдек уларни таълимотларида қадимги Шарқ мутафаккирларининг қарашлари ҳам сезиларли аҳамиятга эга бўлган. Масалан: Эрон тадқиқотчиси Муҳаммад Таги биринчи манбаларга асосланиб «Ибн Сино даврида мантиқ» деб номланган мақоласида Ибн Сино нафақат юнон мантиғини балки ҳинд мантиғини ҳам жуда яхши билганлигини исботлаб берган.

Ибн Сино Аристотел таълимотининг оддий тарғиботчиси эмас эди. У Аристотел таълимотини илғор томонлари янада ривожлантира олди. Ибн Сино ўрта Осиё, Шарқ, Эрон, Ҳиндистон файласуфларининг фалсафий қарашларини, юнон файласуфларининг қарашлари билан солиштириб ўзига хос фалсафий таълимот яратишга ҳаракат қилди. Шу масала юзасидан ўзининг шогирдига ёзган мактубида шундай дейди: «Мен «Инсоф» номли асар ёзиб, унди олимларни икки гуруҳга: шарқчилар ва ғарбчиларга бўлдим. Шарқчилар ва Ғарбчилар ўзаро бахслашдилар. Ҳар бир соҳада мен уладаги

заддиятларини аниқлайман ва ундан сўнг бу масалани адолатли ҳал этиш йўлини кўрсатиб бераман. Бу китоб тахминан 28 минг масалани ўз ичига олади»¹.

Илк ўрта асрларда (IV-IX асрлар) Аристотелнинг мантиқ ҳақидаги таълимотига таянувчи мантиқшунослик фалсафий билимларнинг асоси, муҳим қисми сифатида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шу жумладан, Марказий Осиёда кенг тарқалди ва ўрганилди.

Мантиқ илми айниқса, IX-XI асрларда Марказий Осиёда машҳур алломалар ал-Киндий, ал-Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Насриддин Тусий, ал-Даввонний, ал-Журжоний ва бошқаларнинг асарларида ривожлантирилган. Улар Аристотелнинг мантикий таълимотини тиклабгина қолмай, ундаги асосий тамойилларга таяниб, ўзлари мустақил таълимот яратишга ҳаракат қилганлар.

Ал-Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Насриддин Тусий, ал-Даввонний, ал-Журжонийнинг таълимотлари Аристотел мантигининг асосий таркиби, тизимига ўхшаш бўлгани билан уларда баъзи масалаларнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши билан фарқ қилади.

Аристотел ўз таълимотини силлогизмнинг моҳияти ва шаклларида бошлаган бўлса, Марказий Осиё алломалари эса мантиққа оид тадқиқотларини тушунча ва ҳукмнинг табиатини аниқлашдан бошлайдилар. Чунки билимлар қайси соҳага тааллуқли бўлишидан қатъий назар тушунча ва ҳукм шаклида ифодаланган бўлиб, мантикий хулоса чиқариш билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади.

Ўрта асрнинг машҳур олимлари ал-Фаробий (873-950), Ибн Сино (980-1037), Насриддин Тусий (1201-1274), Фахриддин Розий (1150-1210), ал-Даввонний, ал-Тафтазоний (1322-1392), ал-Журжоний (1340-1414) фалсафий таълимотларининг асосий хусусиятлари ўша даврдаги ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг хусусиятидан келиб чиқади. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу алломалар ўз дунёқарашларини шаклланиши жараёнида Аристотел асарларидан ғоявий озиқ олиб, унинг илғор таълимотини ўз даври илмининг янги ютуқлари асосида ривожлантириш баробарида прогрессив ижтимоий-фалсафий оқимларнинг қомусий билимга эга энг йирик вакиллари бўлиб танилдилар. Бу соҳада улар ўзлардан олдинги илғор олимлар ишини давом эттирганлар.

Ўрта асрнинг машҳур мутафаккири Абу Наср ал-Фаробий (873-950 йй.) ўз ижодида мантиқ муаммоларини тадқиқ этишга катта аҳамият берган. У Аристотелнинг шу соҳадаги барча асарларига кенг шарҳлар берибгина қолмай, балки унда қўйилган муаммоларни чуқур ўрганди, уларни янги фикрлар билан бойитди ва барча бўлимларини синчиклаб тавсифлаб берди. У хулоса чиқариш назариясини тадқиқ қилишга, хусусан силлогизмга янги билимлар олишнинг энг ишончли воситаси ва исботлаш шакли сифатида алоҳида эътибор берди.

Фаробийнинг мантикий билимлари тизими унинг «Исоғувчи» (Кириш), «Мақулот» (Категория), «Ибора» (Ҳукм), «Қиёс» (Силлогизм, биринчи аналитика), «Бурхон» (Исботлаш, иккинчи аналитика), «Жадал» (Мунозара,

диалектика), «Сафсата» (Софистик раддия), «Хитоба» (Риторика), «Шеър» (Поэтика) асарларини ўз ичига олади. Шунингдек, Форобий «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли ҳукмлар», «Силлогизм» каби асарларида ҳам мантиқ масалаларини ишлаб чиқди. «Илмлар таснифи» асарида мантиқ фаннинг предмети, тузилиши, илмлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритган.

Олимнинг таъкидлашича, «мантиқ санъати интеллектнинг оммалашувига олиб келувчи ва инсонни ҳақиқат томон йўналтирувчи билимлар мажмуасини ўрганади. Бу қонунлар инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлайди. Инсон бу қонунлар ёрдамида билимларини текшириб, уларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш орқали хулосага эга бўлади»¹.

У тўғри тафаккурлашнинг асосий тамойиллари: аниқлик, фикрларнинг ўзаро зид бўлмаслиги, изчиллиги, ҳар қандай хулосанинг асосланган бўлиши ҳақидаги ва бошқа муҳим мантиқий масалаларни ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқди.

Бизнингча, ал-Форобийнинг мантиқий таълимоти Яқин ва Ўрта Шарқда, шу жумладан Марказий Осиёда мантиқ фанининг ривожланишини белгилаб берди ва мантиқ илмининг тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Ал-Форобийнинг дунёқарашига ўша даврда анчагина кенг тарқалган Платон ва неоплатонизм мистик таълимотлари таъсир этган бўлса-да, лекин унинг фалсафий тизими янги бўлиб, унда аристотелизм йўналиши етакчи ва устун эди. Ал-Форобий юнон табиатшунослиги ва фалсафасининг бошқа вакиллари: Евклид, Гален, Гиппократ, Птоломей, Порфирий, Александр Афродизийский кабиларнинг асарлари билан яқиндан таниш бўлган ва мантиқ масалаларига аристотелизм нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилган.

Ал-Форобийнинг юнон фалсафасини тарғиб этиш ва ривожлантиришдаги энг асосий хизмати шундаки, у ўрта аср Шарқ ижтимоий-фалсафий фикрлари таъсирида Аристотел илғор таълимотини Платон ғоялари, неоплатонистларнинг мистик асарлари таъсиридан тозалаш, соф аристотелизмни асослаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. У Аристотелнинг илғор ғояларини ривожлантирган ҳолда замонасининг барча табиий-илмий ва фалсафий ютуқларини ўзида мужассамлаштирган фалсафий тизимни яратади.

Бу универсал тизим сифатида ўз давридаги барча муҳим масалаларни, хусусан, фалсафанинг энг умумий тамойилларидан тортиб, табиатшунослик илмининг асосий фалсафий масалалари бўлган, дунёни билиш ва тафаккурнинг қонун-қоидаларини, инсоннинг табиатга муносабати муаммоларини ўз ичига олади.

Қадимги Марказий Осиё, Ҳиндистон, Юнонистондаги табиий-илмий ютуқлар ва фалсафий тафаккурининг, ўрта аср Шарқининг илмий асарларини

¹ Ал-Фараби. О том, что должно предшествовать изучению философии //Философские трактаты. Алма-Ата. Наука, 1970. С. 8-9.

мукаммал ўрганган олимлардан яна бири Абу Али ибн Синодир. У Форобийнинг фалсафа ва мантиқшуносликда бошлаб берган ишини ривожлантирди. Фаннинг турли соҳаларига оид 280 га яқин асарлар яратди. Хусусан, тиббиётга оид 5 жилддан иборат «Тиб қонуни» ҳамда фалсафага оид «Китоб аш-шифо»ни ёзди. Бу асарлар ўрта асрлардаги қомуслар бўлиб қолди. Ибн Сино мантиқни барча фанларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шарти ҳамда фалсафанинг ажралмас қисми сифатида талқин этди.

Ибн Сино жуда катта, ўрта асрда мавжуд бўлган илмларнинг ҳамма қирраларини ўз ичига қамраб олган илмий мерос қолдирган, ҳозирги кунда бу рисола жаҳондаги кўплаб кутубхоналарда сақланмоқда.

«Китоб аш-шифо» 18 жилддан иборат бўлиб, 4 қисмга – мантиқ, табиий фанлар, риёзиёт ва фалсафага бўлинган. Ибн Сино фалсафий қарашларининг шаклланишида аристотелизм муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бироқ шуни айтиш керакки, Ибн Сино Аристотел таълимотининг оддий тарғиботчиси бўлмай, балки илғор томонларини янада ривожлантира олди. Илмий қарашларини Марказий Осиё, Шарқ, Эрон, Ҳиндистон файласуфларининг қарашлари билан солиштириб ўзига хос фалсафий таълимот яратишга ҳаракат қилди. Шу масала юзасидан ўзининг шогирдларига ёзган мактубида шундай дейди: «Мен «Инсоф» номли асар ёздим, - дейди Ибн Сино – унда олимларни икки гуруҳга: шарқчилар ва ғарбчиларга бўлдим. Улар ўзаро баҳслашадилар. Ҳар бир соҳада мен улардаги зиддиятларни аниқлайман ва шундан сўнг бу масалани адолатли ҳал этиш йўлини кўрсатиб бераман¹. Бу китоб тахминан 28 минг масалани ўз ичига олади».

Аристотел таълимотининг давомчилари, хусусан, Ибн Сино унинг айрим камчиликларини ўз асарларида тузатишга уринган, бу ўринда Ибн Синонинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Биз уни (Аристотелни) олдинги перипатетиклар ичида энг буюк олим деб ҳисоблаймиз, чунки у ўз дўстлари ва ўқитувчилари билмаган нарсаларни кашф қилди, фанларни таснифлади, жуда яхши тизимга солди, кўп муаммоларни тўғри ҳал этиб, уни ўз халқига хабар қилди. Ақл-заковатга мурожаат этиб, Аристотелнинг хатоларини тузатиш лозим эди. Аммо унинг издошлари бу ишни қилмадилар, улар Аристотелнинг кучли таъсиридан чиқолмай, унинг таълимотидаги тўғри томонларини тушунишга ва унинг нотўғри қарашларини кўр-кўрона қўллаб-қувватлашга ўз умрларини сарф этдилар... Биз эса, улар хоҳлаган, аммо бажара олмаган ишларни бажардик, унинг таълимотининг айрим томонларини тўлдирдик»².

Ибн Сино ўз даврида мантиқ илмини жуда яхши ўрганди. Буларнинг исботи сифатида у томонидан яратилган кўплаб асарларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ибн Сино Аристотелнинг мантикий қарашларини ҳимоя қилган ва уларнинг асосий қоидаларини ривожлантирган. Бу ўша даврда ўрта аср

¹ Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн-Сины и его школы. Душанбе. Ирфон, 1965. С. 78.

² Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Мақолалар тўплами. Т.: Фан, 1980. 18 б.

мусулмон Шарқида Ибн Сино сафдошлари орасида Порфирийнинг илоҳий-догматик фикрлари кучли бўлган бир шароитда амалга ошган эди.

Маълумки, ўрта асрларда Аристотелнинг мантикий ва фалсафий қарашлари ўзгартирилиб, худо йўлига хизмат қиладиган қуролга айлантирилган эди. Ибн Сино биринчи муаллимнинг мантиққа оид асарларини чуқур ўрганди ва унинг илмий асосини очиб берди. Ибн Сино қарашлари Аристотелнинг қарашларидан баъзи масалалар бўйича фарқ қилса-да, аммо мантиқнинг моҳиятини ўрганишда деярли фарқ қилмасди. «Нажот» ва «Донишнома» китобларида у мантиқнинг фан сифатидаги мақсадини шундай изоҳлайди: «Билим – бу, фикрда нарсаларни тасаввур этиш ёки ишонтиришдир. Тасаввур этиш бу биринчи билим бўлиб, инсоннинг нарса ёки кўринишларини ижобий ва салбий томонларини аниқлаб беради. Тасаввур этиш таърифлаш орқали ҳосил бўлади, ишонч-эътиқод эса хулоса чиқариш орқалигина вужудга келиши мумкин¹. Тушунча ва хулоса чиқариш шундай икки қуролки, булар орқали ҳақиқий билимга эришиш мумкин.

Ибн Синонинг мантикий таълимотларида тушунча ва категориялар, ҳукмлар, хулосалар, уларнинг турлари, тузилиши, дедукция масалалари кенг ва ҳар томонлама таҳлил этилган. «Мантиқ, деб ёзади у ўзининг «Донишнома» асарида, - инсонга шундай бир қоида берадики, унинг ёрдамида хулоса чиқаришда хатолардан сақланади; мантиқ ёрдамида инсон ҳақиқий билимни ёлғондан ажратади ва номаълум нарсаларни ўрганади».

Ибн Сино мантикий таълимотининг ҳажми, мукамаллиги, мавзуининг кенглиги, талқинининг батафсиллигига кўра ўрта асрда мантиқ илми ривожининг энг юқори даражаси деса бўлади. Бизнингча, унинг таълимотида қадимги ва ўрта аср мантиқшунослигининг муҳим ютуқлари мужассамланган. Бу эса сўнгги мантиқ таълимотларига жуда катта таъсир кўрсатган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (X аср) ҳам ўзининг «Мафотиҳ ал-улум» (Илмлар қалити) асаридаги фанлар таснифида мантиқ илмига алоҳида ўрин берди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмларни «арабча» ва «арабча бўлмаган»ларга ажратади. Арабча бўлмаган илмлар қаторига: фалсафа, мантиқ, тиббиёт, ҳисоб, хандаса, фалакиёт, мусиқа, механика, кимё, деҳқончилик киради. Араб фанларига: фикҳ, калом, грамматика, ҳужжатлар устида ишлаш – китаба, тарих, шеърят ва аруз вазни кирган². Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқ илмига оид масалаларни юқорида зикр этилган асарида тўққиз бобда баён қилади. Бобларнинг номланиши ал-Форобий ва Ибн Синоларники кабидир. Унингча, мантикий таълимот «Исоғувчи»ни баён этишдан, ўрганишдан бошланиши керак. «Исоғувчи эса, билдириш деган

¹ Ибн Сино. Донишнома. -Сталинобод, 1957. –71-б.

² Ибодов Дж. Х. Классификация наук в средневековых энциклопедиях Абу Абдаллаха ал-Хорезми, Фахр ад-Дина ар-Розий, Кутбад-Дина аш-Ширази и Бинаад-Дина ал-Амили //Тезисы XXXIV Всесоюзной научной конференции. –М.: ИИЕ и ТРАН, 1992. –С. 35-36.

маънони билдириб, юнон тилида «эйсагоге» дейилади»¹, – деб кўрсатади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқ масалаларини кўриб чиқишни сўз ва ибораларнинг ўзаро муносабатини таҳлил этишдан бошлайди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг қомусий асарида мантиққа катта эътибор беради. Бунда тузилиши жиҳатидан турли фанларнинг мазмунини баён қилиш усулига ўхшаса ҳам, муаллиф бу ишга ўша давр нуқтаи назаридан ёндошган. Бу, айниқса, мантиқ фанининг тушунча ва структура муаммоларини ёритишда ҳар томонлама илмий асосланганидан ҳам билсак бўлади². Н. Ришер Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг номини Яқин ва Ўрта Шарқнинг 20 та йирик мантиқшунослари қаторига қўяди³.

IX асрда яшаб ижод этган озарбайжон мутафаккири Абдулҳасан Бахманёр Ибн Синонинг шогирди ва ал-Фаробий таълимотининг давомчиси сифатида Яқин ва ўрта Шарқда машҳур бўлган. Бахманёр ғоявий ўтмишдошларининг изида бориб мантиқни назарий санъат ва амалий фан даражасига кўтаради. Мантиқнинг юқори тамойили деб эса қарама-қаршилик қонуни деб ҳисоблайди. Унинг асарларида тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш, исботлаш ва уларнинг қоидалари ҳақидаги илмий қарашлар тўғрисида маълумотлар бор. Илмий асарлари орасида махсус мантиқ масалаларига бағишланган асарлар кўп бўлган. Масалан: «Китоб аб-Таҳсил» (Илимни ортириш китоби). 1851 йил Лейпцигда Бахманёрнинг «Метафизика» ва «Иерархия сущего» асарлари немис тилида нашр этилди. Бу асарларда Аристотелнинг фалсафий ва мантиқий ғоялари ва уларнинг ўрта Осиёлик давомчилари ҳақида гапирилган.

Шарқ перепатетикларининг ғояларини уйғониш даври ўрта аср Ғарбий Европа давлатларига тарқалишига ва омиллашувида араб Испаниясида яшаган Ибн Рушднинг ҳам ҳиссаси катта. Ибн Рушд (европада Аверроэс) фалсафанинг турли масалаларига оид 80 га яқин асарлар яратди. Европа илм аҳли орасида унинг қуйидаги мантиқий асарлари катта қизиқиш уйғотди:

1) «О сопоставлении «Органон» Аристотеля с логическим учением ал-Фаробий». (Аристотелнинг “Органон” асарини ал-Фаробийнинг мантиқ илми билан солиштириш ҳақида)

2) «Мантиқ муаммолари ҳақида».

3) «Ал-Фаробийнинг қиёсий силлогизм ҳақидаги фикрлари» («Мнение ал-Фаробий относительно силлогизма»).

4) «Ақлнинг имкониятлари ҳақида» («О возможном разуме»).

5) «По поводу критики, направленное аль-Фароби против «Второй Аналитики»» ва бошқалар.

Бу асарларида ал-Фаробийнинг мантиқ ва фалсафанинг ривожлантиришдаги буюк хизматлари ёритиб берилган. Унинг Аристотел ва ал-Фаробийнинг мантиқ асарларига ёзган талқинлари, ақл масалаларига оид

¹ Хайруллаев М. М., Бахадиров Р. М. Абу Абдулло³ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. –М.: Наука, 1988.

² Шарипов А. Д. Проблемы логики в книге «Ключи наук» Абу Абдуллаха Мухаммад Хорезми //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т.: Фан, 1981. –С. 100.

³ ўша асар. –С. 100.

рисолалари маълум. У мантиқ илмида эҳтимолий ҳукмлар масаласини чуқур таҳлил этди.

Ўрта асрда Яқин ва Ўрта Шарқда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маънавий ҳаётнинг бошқа шакллари сингари фалсафа, мантиқ диний дунёқарашга бўйсундирила бошланди. У анча қисқартирилди ва формаллаштирилди. Лекин илғор мутафаккирлар мантиқда Аристотель, Форобий, Ибн Сино анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилдилар.

II БОБ. IX-XI АСР МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЙҒОНИШ ДАВРИГА АНТИК ФАЛСАФАНИНГ ТАЪСИРИ

2.1. Антик фалсафада онтологик ва гносеологик ғоялар шаклланишининг тарихий ривож

Пифагор фалсафасига мусулмонларнинг қизиқиши юнон ва Искандария маданиятининг бевосита таъсири остида юз берди. Буни Ибн Сино ўзининг “Ал-ишорат ва ат-танбеҳот” асарида (4-қисм 36-саҳифаси) қайд этган. Мусулмон мутафаккирларини тавҳид (якка худолик) масаласи қизиқтирганлиги учун улар Пифагор назариясидаги сонлар, жумладан, 1 рақамига алоҳида эътибор берилганлигини қадрладилар. Ҳатто Пифагор фалсафасининг энг дағал жойи бўлган, руҳни кўчиб юриши, яъни таносух назарияси ҳам Муҳаммад ибн Закарийё Розийнинг эътиборини жалб қилган эди.

Пифагор фалсафасининг хусусияти бўлган илм билан ирфонни ғаройиб тарзда бир-бири билан қўшилиши ислом тафаккуридаги бир-бирига муҳолиф бўлган икки қутбни келиштиришга қаратилган эди. Юнонча тафаккур тарзига тушиб қолган, аммо иккинчи томондан Шарқ ҳикмати таъсиридан чиқиб кета олмай, иккиланаётганлар учун бундай қўшилиш маънавий озуқа бўлиб хизмат қилди.

Пифагор фалсафасининг ички хислати тарки дунёчиликка тамойили бор Шарқ руҳига муносиб келар эди. Бундай руҳият X асрдаги ижтимоий ва сиёсий можаролардан ўзни олиб қочиш зарурияти туфайли туғилган эди. X аср ислом тарихида нафақат буюк илмий ва фикрий тараққиёт даври, балки ислом империяси сиёсий бирлигини тадрижий ўзилиши ва Бағдод халифалари шону шавкатининг қўлдан кетиши ҳам бўлган эди. Агар бу халифаларнинг фармонлари илгари Синд дарёсидан тортиб Атлантика океанигача бўлган минтақаларда бажарилган бўлса, энди кичик амирликларга бўлиниш ва уларнинг мустақиллик даъволари юз берди. Саффорийлар (867-908) Эронда, Сомонийлар Мовароуннаҳр ва Эронда (874-979), Ғазнавийлар Афғонистон ва Панжобда (962-1186), ислом дунёсига шиа маҳзабини ёйилишига сабабчи бўлган Ол Буйа (946-1055) ва уларнинг равнақиға тўсқинлик қилган Салжуқий турклар (1055-1194) мустақил сулолалар сифатида фаолият кўрсатган эдилар. Мисрда Фотимийлар (909-1171), Андалузияда Уммавийлар (912-1031) X аср бошидаёқ, мустақил ҳукмронликни бошлаган эдилар.

Ол Буйа сулоласи ҳукмронлиги даврида “Ихвон ас-сафо” номли махфий диний-фалсафий анжуман Басрада фаолият кўрсатди. 52 фалсафий рисола ва битта умумий илмларга бағишланган китоб ёзган бу анжуманнинг таҳрир хайъатида қуйидагилар бор эди: Абу Сулаймон Бўстий (Мукаддисий номи билан ҳам машҳур), Абул Ҳасан Зенжоний, Абу Аҳмад Наҳржурий (бошқа номи Меҳржоний), Ауфий ва Зейд ибн Рифоъий. Сижистонийнинг қайд этишича, улар “олимлардан ташкил топган гуруҳ бўлиб, биргаликда “Ихвон ас-сафо” рисолалар мажмуаси”ни таълиф этишган. Улар бир фикрга

келганликларидан кейин Муқаддасий қалам билан битган”.

“Ихвон ас-сафо” (“Соф биродарлар”) анжуманининг рисоалари Х асрда мусулмон оламига ёйилган фалсафий илмларнинг доиратул маъорифи (энциклопедия) мақомида бўлиб, ундаги энг муҳим жиҳат риёзиёт (математика) ва илми нужум (астрономия) эди. Андалузия мунажжими Мажритий (ваф. 1008) ёки унинг шогирди Кермоний (ваф. 1066) бу рисоаларнинг нусхаларини бошқа юнонча ва арабча асарлар қаторида Андалузияга олиб келишган.

Қирқ тўртинчи рисола “Ихвон ас-сафо эътиқоди ва раббонийлар мазҳабининг баёни” деб аталиб, унда қайд этилишича, анжуман аъзоларининг биринчи даражали қизиқиши “илоҳий илм” бўлган. “Ихвон ас-сафо” ёзган 52 рисола янги пифагорча ва янги афлотунча фикрлар қоришмасидан, ҳамда табиатшунослик – математик тушунчалардан иборат эди.

Инсон бадани “Ихвон ас-сафо” қарашларига биноан катта олам бўлган Коинотнинг ҳулосаси эди. Инсон дунёни билишнинг калиди бўлиб, моҳияти эса унинг ўзини билишда эди. Инсон бениҳоят кичик зарра билан бениҳоят катта зарра ўртасида ўртача вазиятда туради. Унинг танаси унчалик катта ҳам, унчалик кичик ҳам эмас. Умрининг узунлиги ҳам шундай: қисқа ҳам, узун ҳам эмас. Унинг ер куррасида пайдо бўлиши ҳам тез ёки узоқ муддатга чўзилмаган. Инсон маърифати ҳам жаҳолат билан комиллик ўртасида турганлигидадир.

“Ихвон ас-сафо” Пифагорга ҳам доим иззат-ҳурмат кўрсатиб, уни “ҳаким” деб атадилар ва уни мақташ ва унга таянишни тўхтатмадилар. Аммо улар ҳар қандай бошқа манбалардан фойдаланишни ҳам давом эттирдилар. Уларнинг шиори шундай эдики, “ҳеч қандай илм манбаси инкор этилмасдан фойдаланилсин ва барча диний эътиқодларнинг ижобий томонлари ўзлари яратаётган таълимотларга киритилсин”.

Улар фалсафа билан имон-эътиқод ўртасидаги ҳижобни олиб ташлашга ҳаракат қилган эдилар.

Юнон фалсафасининг ислом фалсафасига таъсири масаласи нечоғлик муҳим эканлигини биз Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида яққол кўрамиз. Юнон фалсафасининг Ҳиндистон ва Хитой фалсафасига таъсири эса бунчалик бўлмаганлиги барчага аёндыр.

Ислом фалсафасини ўрганилишини бошлаб берган тадқиқот Аламбе Жоурданнинг 1819 йилда нашр этилган “Арасту асри юнон ҳужжатларини араб тилига қилинган таржималарининг танқиди” китобидир¹. Бу китоб ислом фалсафасининг Ғарб фалсафасига, махсусан лотин тилидаги таълимотларга таъсирини очиб берган. 1852 йили Эрнест Ренаннинг “Ибн Рушд ва унинг фалсафаси” номли китоби нашр этилди². 1859 йили Соломон Мунк томонидан “Яҳудий ва араб фалсафаси мажмуи” номли китоб нашр этилган бўлиб, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. XX аср бошида Де Боер томонидан

¹ Jourdain A. Recherches critiques sur L'age et L'origine des traductions d'Aristote. –Paris, 1819.

² Renan E. Averroes et L'averroisme. –Paris, 1882; Renan. De philosophia peripatetica apud Suros. –Paris, 1852.

“Исломда фалсафа тарихи” (1901) китоби немис тилида нашр этилиб, 1903 йилда инглиз тилига ҳам таржима қилинган. 1922 йили Де Ласи Олеарий томонидан “Ислорий тафаккур ва унинг тарихдаги ўрни” номли китоб нашр этилди.

1957 йили Круз Ҳернандез томонидан “Андалузия мусулмон фалсафаси” номли китоб нашр этилди. 1962 йили Монтгомери Вотт муаллифлигида “Ислом фалсафаси ва илоҳиёти” номли китоб нашрдан чиқди. 1964 йили Ҳенри Корбон томонидан “Ислом фалсафасининг тарихи” китоби босилиб чиқди. 1970 йили Можед Фахрийнинг “Ислом оламида фалсафа давони” китоби Бейрутдаги Америка университети томонидан инглиз тилида нашр этилди. Бу китоб 1983 йили Насрулло Пур Жаводий таржимасида Техронда форс тилида босилиб чиқди.

Ғарб тадқиқотчиларининг ислом фалсафаси тараққиёти ҳақидаги изланишлари ислом фалсафасини алоҳида йўналиш сифатида ўрганишга имкон берди. Ислом фалсафасининг руҳи ва қарашлари ҳатто XX асрда ҳам ўрта асрлардаги тафаккур тарзида қолганлиги таажжубланарли ҳолдир.

Ислом фалсафасининг Оврўпо фалсафаси ва христиан илоҳиёти ривожини билан бевосита ёки билвосита алоқаси борлиги Ғарб тадқиқотчилари томонидан таъкидланган. Маълумки, II асрнинг охирида христиан Черкови шаклланиб, христиан илоҳиёти олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Христианлик бу вақтда маъжусийлик, яҳудийлик ва ҳокимият намоёндаларидан ўзини ҳимоя қилишга муҳтож бўлиб қолмасдан, балки Исонинг таълимотини ёйиш ва уни тарғиб қилиш ишига киришди.

II асрнинг охирида Александриялик Климент, Тертуллиан, Ориген, Минуций Феликс, Лактанций ва бошқа илоҳиётчилар майдонга чиқдиларки, уларнинг қарашлари асосида христианлик черкови тафаккури шакллана бошлади. Биз шулардан фақат биринчисининг ижодига қисман тўхтаб ўтамыз.

Искандариялик Климент (Александрийский) (150-215) Шимолий Африкадаги Рим вилояти бўлган Александрияда туғилди. Шуниси қизиқки, у биринчи бўлиб ўзининг христианлик фалсафасини ишлаб чиқишга азмуқарор қилиб, фалсафани христианлик билан боғламоқчи бўлди. Климент Искандариялик Филон (эр. ол. 21-28 йиллар – эрамызнинг 41 ёки 49-йиллари) изидан бориб, фалсафа илоҳиётнинг хизматкори бўлиши кераклигини таъкидлади. У биринчи бўлиб, фалсафа билан дин, этикод ва ақл муаммосининг бир-бирига ўзаро мувофиқлигини ўртага қўйди. Фалсафа ва динни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи, деб ҳисоблади. Унинг фикрича, христианлик ўзида қадимги юнон фалсафаси ва Инжилнинг Қадимги Аҳд қисмини бирлаштиради. Унинг ақидасича, худо ўз инояти билан башариятни Исо Масиҳ орқали нажот томон бошлаб боради. Аммо барча халқларни У турлича йўллар билан бошлаб боради. Исроил халқини Мусо орқали ато қилган Қонун воситасида, Европа халқларини эса фалсафани тақдим этиш инояти воситасида бошлаб боради. Шунинг учун Климент назарида Суқрот юнонликлар учун қандай мақомга эга бўлса, Мусо ҳам яҳудийлар учун шундай аҳамиятга эгадир.

Қадимги юнон фалсафасининг камчилиги шундан иборат эдики, у динга нисбатан бир мунча ишончсизлик ва менсимаслик билан қарар эди. Климент ўз фикрини давом эттириб, шуни қайд этадики, юнонистонликлар ўзларининг барча қоидаларини яҳудийлардан олганлар. Яҳудийлик динининг камчилиги эса шунда эдики, у фалсафани назар-писанд қилмас эди.

Христианлик юқорида айтилган барча билим шаклларида шунинг учун афзал эдики, у биринчи марта Қадимги Аҳд пайғамбарлари томонидан берилган динни ва қадимги юнонлилар томонидан ишлаб чиқилган фалсафани бирлаштирар эди. Хаворий Павелнинг айтишича, ўзлари билмаган ҳолда юнонлилар ўз фалсафалари орқали Худони ҳурмат қила бошладилар.

Климент кимки, дин билимни ортиқча қилиб қўяди, деб ҳисобласа, улар билан мувофиқ эмас, аммо у шундай алоҳида ўзига хос билим борки, у ўз улуғворлиги билан эътиқодни беҳуда нарсга қилиб қўяди, деб таъкидловчи гностиклар нуқтаи назарини ҳам рад этади.

Климент ўзининг “Строматалар” асарида ёзишича, “фалсафа – шундай бебаҳо ҳазинаки, уни қўлга киритишга биз барча куч-қувватимизни сарфламоғимиз лозим”¹.

Климент фикрича, бизга ақлнинг берилиши тасодифий эмас, негаки, унинг объекти фикрдир, мақсади эса – ҳақиқатни билишдир; ақл бизга беҳудага берилган эмас, ва шунинг учун биз фалсафий мушоҳада юритиб ва фикрга шўнғиб, ҳақиқатни қидиришимиз лозим.

Климент ақидасига кўра, фалсафа ҳақиқий ва ёлғон бўлиши мумкин. Ёлғон – бу софистика, моддийонча фалсафа ва хоказо. Ҳақиқий фалсафа Худо ва инсон ҳақида таълим беради, у инсоннинг қандай қилиб худога қайтиши ҳақида ҳам фикр юритади. Ҳақиқат ягона бўлиб, унга бориш йўллари кўпдир. Бу шундай маънога эгаки, тизимларнинг кўплиги туфайли жуда кўплаб хусусий ҳақиқатларга етишиш имконияти мавжуддир.

Қадимги юнонистонликларга ақл чироғи ато этилганлиги туфайли, улар унинг воситасида ҳақиқатни тушунишга эришдилар. Қадимги яҳудийларга берилган ақл чироғи ва Қонун, бир ягона ўша манбага, яъни ўша ягона Логосга эга. Кўплаб далилларга кўра, ушбу назарияни Климент Искандариялик Филондан олган. Шунинг учун фалсафа кўпчилик жихатдан христианликдан олдин вужудга келгандир ва шу боис христианлар уни Қадимги Аҳд каби ҳурматлаб, эъзозлашлари лозим.

Климент фикрича, эътиқод ва ақл, бир-бирига қарама-қарши эмас. Ақлга асосланган фанларда субординация (хизматда кичик унвонлиларнинг катта унвонлиларга бўйсунуши қоидаси) мавжуд. Қуйи фанлар фалсафага олиб боради, фалсафа эса – илоҳиётга олиб боради. Шунинг учун у мажбурийдир, негаки, у илоҳиётни қўлига далил учун қуроли беради, у христианликни ёйиш ва ҳимоя қилиш учун баҳс қуроли ҳамдир.

Гностиклар билан бўлган баҳсда Климент қайд этадики, эътиқод билан ақлнинг нисбати бир-бирига мувофиқдир. Инсоннинг ҳар бир қобилияти

¹ Лега В. П. История западной философии. (Ғарб фалсафаси тарихи). –Т., 1998. –С.1.

(эътиқод ҳам, ақл ҳам) қандайдир мақсад учун зарурдир. Эътиқод баъзи бир имтиёзга эга, у билиш объектини очиб беради, у кўпроқ жўн, оддий бўлиб, тушунишга осон, негаки, барча кишилар қандайдир эътиқодга эгадирлар. У тайёр ҳолда берилади ва билимда ҳамма вақт эътиқод унсури иштирок этади. Инсон қадимгилар айтган, исбот қилиб бўлмайдиган жуда кўп қоидаларга ишонади. Китоблардан бўладими ёки бошқалар айтган гапларданми ёки тахминларданми – ҳар ҳолда барча жараёнларда бизнинг ақлий билимларимиз шундай қоидаларга таянадики, уларга киши жўнгина ишонади. Бироқ, эътиқод пойдевор сифатида етарли эмас, негаки, бундай пойдевор устига хушбичим бинони ақлий далиллар ёрдамида қуриш лозим. Шунинг учун эътиқод ва ақл бир-бирини истисно этмасдан, бири иккинчисини тўлдиради. Эътиқод бинонинг пойдевори бўлса, ақлий билим ушбу пойдеворга тикланган деворлардир. Деворлар пойдеворсиз бузилади, аммо деворсиз пойдевор ҳам - бу бинонинг ўзи эмас, балки фақат пойдевордир. Демак, эътиқодсиз билим йўқ, эътиқодсиз билим эса - ҳеч нарса эмас.

Эътиқод ҳам, билим ҳам умумий қобилият бўлган ўша ягона оқилликнинг намоён бўлишидир. Шунинг учун ҳар бир христианнинг орзуси, ана шу оқилликка эришишдир. Христиан ғосиси - бу Христиан эътиқодининг ўзи бўлиб, у ақлий мушоҳада ёрдамида идрок этишга олиб боради. Эътиқод ва ақлнинг ўзаро муносабатини мана шундай тушунишда Искандариялик Климент шундай кучли анъана бошида турадики, уни кейинчалик Августин, Фома Аквинский, Ансельм Кентерберийский ва бошқа христиан илоҳиётчилари қўллаб-қувватладилар.

Инсон қандай қилиб Худони билиши мумкин? Ҳаммадан юқори турувчи ва билиб бўлмайдиган нарсани қандай қилиб тушуниши мумкин? Климент қадимги дунё қоидаси бўлган ўхшаш нарсани, унга ўхшаш нарса орқали билиш мумкин, деган фикрга қўшилади. Шунинг учун агар инсоннинг кўп нарсани билиши мумкин бўлса, у вақтда қандайдир тарзда у ўзида илоҳий табиатни мужассам этган бўлади. Аммо барча соҳаларда Худо инсондан устунликка эга бўлганлигидан, Худони билиш жараёни – бир одам умри доирасида эришиб бўлмайдиган чексиз жараёндир. Демак, ҳақиқий билиш учун ваҳийнинг бўлиши зарурдир. Шунинг учун диннинг икки шакли мавжуддир: Худони табиий билиш ва ваҳийлик дини бўлиб, жумладан, у қадимги Исроилга берилган.

Христианлик дини табиий дин ва Ваҳийлик динини ўзида қўшади ва шунинг учун ҳақиқий ва узил-кесил диндир.

Искандариялик Климент Худони чексиз моҳият сифатида тушунишда Афлотунга кўп жихатдан яқин эди. Негаки, худо инсон руҳи эга бўлган табиатга эгадир. Бутунлай эҳтимолдан ҳоли эмаски, Климент ушбу тушунчани ўзининг яҳудий ўтмишдоши бўлган Искандариялик Филондан олган. Шунингдек, ундан Муқаддас ёзувни шарҳлаш ва тушунтириш усулини, яъни рамзий талқин услубини қабул қилган. Жумладан, Климент Худони дунёни ҳеч нимадан яратганлигини Афлотун ўзининг “Тимей” асарида қандай келтирган бўлса, ўшандай талқин қилади: яратилиш баъзи бир тартибсизликдан, хаосдан

юз берди.

Климент кўп жиҳатдан христианликнинг Ваҳийлик дини ва маъжусийлик даври фалсафасининг уйғунликда яшаш асосига тамал тошини кўйди.

Ислом фалсафаси сурияликлар, араблар, эронликлар, туркий халқлар, барбарлар ва бошқа миллат вакиллари иштирок этган мураккаб фикрий жараён ҳосиласидир. Хуросондан тортиб Андалузиягача VIII-XVII асрларда юқоридаги халқлар томонидан қўлланилган илмий адабиёт араб тилида ёзилган.

Яқин Шарқ, жумладан Искандария, 641 йилда Умар Ос томонидан фатҳ этилди. Бу минтақанинг араблар қўлига ўтиши асрлар давомида давом этиб келган Эрон ва Рум истилоларига барҳам берди.

Искандария VII асрда юнон фалсафаси ва илоҳиётини тадқиқ қиладиган муҳим марказга айланган эди. Юнон тилини ўрганиш Сурия ва Ироқда IV асрда, Антокия, Ҳаррон, Эдисса (арабчиси: Урфо ё Аррахо) шаҳарларида, Сурия шимолидаги Қиннасарин, юқори Ироқдаги Нисайбин ва Россияда сал кейинроқ бошланган эди. Юнон тилини ўрганиш Искандариядан ўтган юнон илоҳиётини, жумладан, Климент Искандарий таълимотини ўрганишдан бошланган эди. Квинт Сентилий Флоренс Тертуллиан (160-230) айтганларининг монийликка қарши қаратилган жойлари сурёний тилга таржима қилинган эди. Илоҳиёт матнлари қаторида мантикка доир китоблар ҳам араб тилига таржима қилинган эди. Якуб Раҳовийнинг (ваф. 708) илоҳиёт ва фалсафага доир асарларининг ёйилиши эркин фикр мавжудлигидан гувоҳлик беради.

VII асрда Ҳаррон ва Жандишопурда (Эрон жанубида) юнон илмларини ўрганадиган икки марказ мавжуд бўлган. Жандишопур ўқув юрти 555 йилда Хусрав I Анушервон томонидан таъсис этилган эди.

632 йилда пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом (570-632) вафотларидан кейин араблар ягона дин остида бирлашиб, ўз ярим оролларида ташқарига исломни ёйиш учун юриш бошлаганларида улар биринчи бўлиб Сурия ва Ироқ ҳудудларида қўлга киритган нарсалардан энг муҳими қадимги Сурия тилида сўзлашувчи христиан аҳолиси эди. Ана шу ҳудудларда турли христианлик мазҳаблари (аввал насорийлар ва монофизитлар ёки якубийлар) ўзларида Искандариядаги қадимги юнон таълимотини мужассамлаштирган эдилар. Уларнинг қарашларини расмий христиан черковининг қудратли бошқа йўналишлари бидъатда айблар эдилар. Ушбу ақلياتни ташкил этган христиан мазҳаблари ислом ҳокимиятининг ҳомийлигидан баҳраманд бўлиб, улар яшайдиган ҳудудлар ўз-ўзини бошқарадиган ислом васийлигидаги жамоалар ҳисобланди (христианлар, яҳудийлар, “сабиёнлар”).

Қадимги христиан мазҳабларидан табиблар, риёзидонлар (математиклар) ва астрономлар етишиб чикди. Табобат илм-фан ва илоҳиёт орасида боғловчилик мақомида турар эди. Негаки, қадимги христиан илоҳиётчилари инсон жисмини ҳам, руҳини ҳам даволашга тайёрланар эдилар. Искандарияда ижод қилган буюк олим Жолинус (Гален) тавсиясига кўра, мантиқ фани табиблар тайёрлаш ўқув дастурининг муҳим қисми

хисобланар эди.

Насоро ўқув юртлири ўз ўқув режаларини икки қисмга бўлиб, уч соҳанинг биридан жиддий фаолиятга тайёрлайдиган оддий дастур тузган эдилар: астрономия, табобат (медицина) ва илоҳиёт. Жундашопурдаги (Бағдоддан шарқроқда 170 км масофада) ўқув юртида табобат факультети (унга бириктирилган касалхона билан бирга) ва расадхонаси билан биргаликда астрономия факультети мавжуд эди. Риёзиёт билан бир қаторда мантиқ ўқув дастуридаги асосий мавзу хисобланиб, турли фан соҳаларини бир-бирига боғлашда муҳим ўрин тутар эди. Қадимги Сурия файласуфлари мантиқ, риёзиёт, физика (руҳшуносликни ҳам ўз ичига олар эди) ва илоҳиёт бўйича зўр салоҳиятга эга эдилар. Шундай ҳоллар учрар эдики, монофизит илоҳиётчиси Северус Себхоктга ўхшаб, баъзида айрим муаллифлар илоҳиёт соҳасида бўлгани каби мантиқ ва астрономияда ҳам рисоалар ёзар эдилар. Ана шундай ҳар томонламалик натижасида Сурия ва Ироқдаги сурияли христианлар томонидан Арастунинг мантиққа доир асарлари таржима қилиниб, ўрганилар ва таҳлил қилинар эди. Ушбу Сурияли анъана V-VI асрларда Искандария анъанасини давом эттирди.

Арасту мантиғининг қадимги Сурия тилидаги таржималари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги сақланган бўлиб, баъзилари нашр ҳам этилган (жумладан, Категориялар, Талқинлар ҳақида ва Биринчи аналитика). Порфирийнинг “Исогога” (“Исағужа”) асари “Органон”нинг бошида муқаддима сифатида жой олган.

Мантиқ табиблар тайёрлашда асосий ўрин тутишда давом этди ва шу сабабли IX-XII асрлар давомида араб тили жорий бўлган мамлакатларда мантиқ фани тараққий этди. Бундай табобат-фалсафий анъанага Абу Бакр Муҳаммад Закарийе Розий ва Ибн Синогина эмас, ҳатто XII асрда Испанияда ижод қилган Маймонид ҳам дучор бўлиб, йигитлик чоғида табобат машғулотларига тайёрланиш жараёнида мантиқ бўйича ҳам ўзининг ягона асарини яратди.

Юнон мантиғини арабларга ўтқозишда катта воситачилик хизматини насоро мазҳаби руҳонийлари бажардилар. Уларнинг Жундашопурдаги ўқув юрти юнон мантиғи матнларини арабчага таржима қилувчилар биринчи авлодининг бешиги бўлди. Ҳорун ар-Рашид ва унинг вазири Жаъфар ибн Бармакийнинг табиби бўлган Жибрил ибн Бактишу бу ерда таҳсил олган, кейинчалик ушбу ўқув юртининг бошлиғи ва касалхонанинг бошқарувчиси бўлган эди. Унинг ўриндоши бўлган Абу Закарийе Яхъё (ёки Юханно) ибн Масовай Жибрилнинг таклифига мувофиқ Жундашопурдан Бағдодга сарой табиби сифатида чақирилди¹.

¹ Қаранг: Николас Решер. К истории арабской логики. –Питсбург. Изд-во Питсбургского университета. 1963.

2.2. Марказий Осиё илк уйғониш даврида Афлотун ва Аристотел ғояларининг ўрни

Қадим дунё ва ўрта асрлар фалсафасида ақл бошқарув маркази сифатида майдонга чиқиб, ҳақиқатни аниқлаш масалаларида бош ҳакам эди. Ақл, рух ва тана табақаланган равишда тушунилар эди: тана ҳаракатининг сабаби рух, деб тушунилса, бу ҳаракатни йўналтирувчи ақл ҳисобланар эди. Бироқ, шундай табақалашган намунани аниқ баён қилган Арастуда ҳам ақл инсон ва жамоадан юкори турувчи куч сифатида майдонга чиқиб, борлиқнинг ўз ҳокимиятининг намоёндаси вазифасини бажарадики, унинг тартибига мувофиқ ҳаёт ва маърифатнинг ҳар қандай шакллари ташкил топадилар. Афлотунда эса, борлиқ моҳиятини ақлий тушуниш тарзи билан бир қаторда, назариядан ташқарида турувчи куч борлиги тахмин қилинадики, у инсонни роҳат-фароғатга, энг яхши эросга бошлаб боради. Шунинг учун ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик ҳақидаги масалаларни ягона бутунликка боғлашга уриниш юнон мутафаккирларига хос нарсадир. Коинотга эса ҳамоҳанг товушлар жаранглаётган нафис мутаносибликдаги иншоот қиёфаси берилади. Ўз қисмлари бир-бирига мувофиқ ва одилona жойлашганлиги туфайли яхши қурилмага эга бўлган Коинот, ўзининг етук тартибда эканлигидан ўз-ўзини сақлайди: унда бир жойдан иккинчисига ўтиш ёки ўзгариш учун сабаб йўқ, негаки унда ҳамма нарса ўз жойида. Фақат етук бўлмаган нарсагина ҳаракат қилади ва азоб чекади. Шунинг учун инсон Коинотни яхши кўради, унга мансубликка интилади, у етукликка эришишга умид қилади.

Арасту ўзича осмон гумбази, Ер ҳамда барча ўсимликлар ва жонзотларни сиғдирган борлиқ доираси сифатида табиатни (фюзис) моҳиятини очиб беради. Айнан ана шу табиий доира, сунъийга қарши ўлароқ (тэхнэ), билим мавзуси (эпистеме) сифатида майдонга чиқиб, пайдо бўлиш ва завол топиш, борлиқнинг бир бутунлиги, айрим олинган ашёларнинг ички моҳияти, биринчи ҳаракатланувчи куч, рух ва шунга ўхшаш масалалар ҳақидаги қарашларни ўртага қўяди. Воқеълик ҳаёлий ғоялар дунёси ёки мутлақ шифр сифатида эмас, балки мустаҳкам, ўз-ўзини сақланиши учун ташқи кучларга эҳтиёжи бўлмаган, ўрганилиши лозим бўлган объектив тартиб сифатида қаралади. Ақл рухга ёки ғоялар салтанатига қараб эмас, балки айнан унгагина қаратилган. Унинг биринчи амали – айрим ашёларни қабул қилиш бўлиб, ундан кейингина ўзининг тафаккур, хотира, ажабланиш, тушунтириш ва шунга ўхшаш механизмларини ишга солади.

Афлотунчилар назарида рух бевосита ўз-ўзини тушунган вақтда, рухнинг Арастуча талқини қоидаси тананинг ҳиссий тажрибасини, мантикий конунлар ва категорияларни ҳам ҳисобга олади. Рух ҳақидаги барча мулоҳазалар сабаб-оқибат ва айни замонда мақсадли қаторларда ҳаракат қиладилар. Ақл масаласида Арасту унинг фаол ва фаолиятсиз қисмларини бир-биридан фарқ қиладиги, бу устоз ва шогирд муносабатини эслатади. Ана шу жиҳатдан Стагиритнинг рисоалари Афлотуннинг диалогларидан фарқ қилади.

Афлотунда ўз-ўзини билиш ҳам, шунингдек ўрганиш ҳам, суҳбат куриш асосига қўйилган. Арасту асарларида баҳс юритиш унсурлари жонли баҳс сифатида эмас, балки илмий талқин ва объектив нақлу қавл (цитата) ва бошқалар айтган фикрлар ва нуқтаи назарларни бир-бирига солиштириш сифатида мавжуд. Афтидан, асарларининг ана шундай шакли ўрта аср университетларида ва Шарқ мамлакатларида ғоят даражада машхур бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Шарқда ўрта асрлар арастучилиги бошқачароқ муҳитда шаклланиб борди. XIII асрнинг бошида унинг христианликка нисбатан душманлиги англаб етилди ва у таъқиқланди. Шундай бўлса ҳам унинг тавсиялари ўрта аср университетларида фаол амалга оширилди, негаки, Арастунинг асарлари шакл жиҳатдан маъруза ўқиш ва доиратул маориф (энциклопедия) маъноларини йўлга қўйишга жуда ҳам фойдали бўлиб чиқди. Арастучилик, албатта, билим ва эътиқодни бирга қўшган томизм томонидан моҳият жиҳатдан зарарсизлаштирилган бўлса ҳам, дунёни тушуниш сифатида тарқалди. Илмий дискурс сезиларли даражада ўзгаришларга дучор бўлган бўлса ҳам, аммо табиий илмий йўл-йўриқнинг ўзи сақланиб қолди ва тарқалди.

Ҳар қандай бошқа нарсалар каби инсон шахсиятининг ўрта асрлардаги курилмалари ижтимоий ва давлат муассасалари томонидан ўртага қўйилган вазифалар билан белгиланар эди. Ҳокимият ихтиёридаги махсус марказлар воситасида амалга ошириладиган мажбурий муносабатлар ижтимоий тизимларда тўғридан-тўғри зўрлик ва жазолаш билан эмас, балки хатти-ҳаракат ва муносабат юргизишнинг ижтимоий-зарурий меъёрларини қўллаш орқали кишиларни бошқариш кўпроқ муҳим аҳамиятга эга бўлиб борди. Фикр ва зикр, майлларнинг манбаи сифатидаги руҳ ҳақидаги ғамхўрлик шундан келиб чиққан эди. Улар бирор сабаб қўзғатувчи эмас, балки назорат остида бўлмоқлари зарур эди. Агар Арасту фаол ва мажхул ақл, руҳнинг озиклантирувчи, сезиларли, ҳаракатланувчи ва ақлий шакллари бир-биридан ажратган бўлса, ўрта аср муаллифлари руҳий жараёнлар унсурларини ундан кўра пухтароқ даражаларга ва субординацияларга бўлдилар. Масалан, гуноҳга сабаб бўладиган ўн икки йўлдан оздириш воситасини ажратиб кўрсатиб, уларни ўз навбатида етти жиҳатдан қараб чиқдилар; гуноҳга тортувчи руҳ заифлигининг олти хилини жорий қилдилар. Агар Арастунинг ақл ҳақидаги дискурси илмий қизиқиш билан суғорилган бўлиб, демократик полисининг ижтимоий кадриятлар адолатлилиги, қонунийлиги, ватанпарварликнинг ижтимоий ҳиссиёти, эзгу шон-шараф ва шунга ўхшашлар билан тўлиб тошган бўлиб, полисининг талабларини ифода қилса, ўрта асрлардаги тил услуби, яъни руҳий жараёнларни гуноҳ ва тавба истилоҳларида баён қилиниши жуда кўп даражада ҳокимият манфаатлари билан тўлиб тошган эди. Инсон танлаб олишга қодир бўлган озод шахс сифатида намоён бўлди ва шунинг учун ўз-ўзини назорат қилишнинг шундай механизми зарурки, токи у, бу танланган нарсани жамият учун керакли бўлган йўналишга солиб юбора олсин.

“Халқнинг маданий кадриятлари, маънавий мероси минг йиллар

мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди”¹.

Мусулмон Шаркида фалсафий тафаккурнинг пайдо бўлиш тарихи ёзма равишда VIII асрга тааллуқли бўлиб, илк калом вакиллари бўлган мўътазилийларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Илоҳиёт баҳсларида ўзларининг қатъий ақлга таянишлари билан алоҳида ажралиб турган илоҳиётчилар гуруҳи бўлган мўътазилийлар Бағдодда халифа Маъмун саройида катта нуфузга эга бўлдилар. Инсоннинг ирода эркинлиги ва илоҳий сифатлар масаласини муҳокама қилишдан ўз фаолиятларини бошлаган мўътазилийлар шундай таълимотни ишлаб чиқдиларки, у диний мавзудан четга чиқиш билан чекланмасдан, ҳатто мусулмончилик эътиқодининг баъзи ақидаларини ичдан бузар эди. Масалан, уларнинг қайд этишларича, табиат қонунларигагина мувофиқ фаолият кўрсатиши мумкин бўлган Аллоҳга қарама-қарши ўлароқ, инсон ўз иродасича ҳар қандай хатти-ҳаракат кўрсатиши мумкин эди. Унинг учун эзгулик ва ёвузликнинг ягона мезони сифатида унинг ақли хизмат қилмоғи лозим эди. Улар биринчи бўлиб Холиқни инсон қиёфасида тасаввур этишга қарши чиқиб, унга мажхул илоҳий ғояни қарама-қарши қўйдиларки, ўз моҳиятига кўра у ирода, қудрат, билим ва бошқа сифатлардан ҳоли эди. Жумладан, худода нутқ борлигини инкор этиб, Қуръоннинг абадийлиги ҳақидаги таълимотни рад этдилар. Қуръонни бундай талқин қилиш мўътазилийларга ва кейинчалик арастучиларга уни рамзий маънода тушунишга имкон бериб, ўз қарашларини унга мувофиқлаштиришга йўл очди.

Табиат ҳақидаги таълимотда мўътазилийларнинг кўпчилиги атомистик назариядан келиб чиқиб, шуни қайд этдиларки, ҳар қандай жисм изчил бўлиниш жараёнида бўй, ранг, ҳид ва бошқа сифатларга эга бўлган унсур парчаларга бўлинадилар. Ҳар бир шундай зарра бўйга эга бўлмаган муайян миқдорда атом парчаларидан ташкил топган бўлиб, ҳаракат қилиш ва сокин ҳолатда бўлишдан бошқа ҳар қандай хусусиятлардан ҳолидир. Бундай назариядан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин эди: борлиқнинг шакллари абадий бўлган модданинг ўзида имконият даражасида мавжуддир, аммо, мажхул қарашга кўра, у қандайдир шаклланмаган ва шунинг учун у йўқлик билан айниятдадир; холиқнинг ягона вазифаси барча зарурий сифатларга эга бўлган моддани яна бир сифат, яъни мавжудлик билан сийлашдир; моддий дунёда кўзга ташланадиган барча ҳодисалар сабабий шартланган хусусиятларга эга бўлиб, ўз асосларини табиатдаги ашёларда топадилар. Мўътазилийларнинг барча ҳодисаларни ақлий йўл билан билиш мумкинлиги ҳақидаги ақидалари ана шундан келиб чиқади. Улар билишни ваҳий орқали идрок қилишга салбий муносабатда бўлдилар. Илк ислом ақидаларига ишонишни уларнинг кўпчилиги фақат шунинг учун қабул

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.137.

килиш мумкин, деб билдиларки, улар ахлокий доирада кўпчиликка фойда етказиши мумкин.

Халифа Маъмун (813-833) ҳукмронлиги йилларида мўътазилийлар таълимоти Аббосийлар давлатининг расмий мафкураси деб эълон қилинди. Ўзининг сиёсий мухолифлари билан иттифокда бўлган илк ислом ақидаларидаги руҳонийларга қарши курашда Ироқ савдогарлари ва хунармандларига таянган Маъмун ўз сиёсий фаолиятида Шарқда мисли кўрилмаган ишни қилиб, табиатшунослик ва фалсафа фанларини ривожланиши учун қулай шароит яратиб берди. Айнан, ана шу даврда таржимачилик ҳаракати кенг кулоч ёзиб, арабларни қадимги давр илмий табиатшунослиги ва фалсафий мероси билан таништириш жараёни бошланди.

Мусулмонларни қадимги юнон мутафаккирлари асарлари билан таништириш Сурия христианлари орқали амалга оширилди. Оғир меҳнат бўлган икки томонлама таржима жараёни, яъни юнон тилидан Сурия тилига, ундан араб тилига қилинган ишлар аввал бошда кўпроқ табобатга, табиий-илмий асарларга қаратилган эди. Аммо тез орада китобхон зиёлилар ва таржимонларнинг қизиқиши фалсафий адабиётларни ҳам қамраб олди. Бу қонуний жараён эди. Чунки, Шарқ халифалиги деб аталган Бағдод ва унга тобе бўлган мусулмонлашиш жараёни бошланган ўлкаларда савдо-сотиқ ва хунармандчилик гуркираб ўсиб, улар асосида математика, механика, оптика, кимё, астрономия, жуғрофия, табобат ва бошқа назарий ва амалий фанларга эҳтиёж катта эди.

Маърифатли доиралар диққат марказида Арасту фалсафаси турар эди. Бироқ, уни мусулмон дунёсида ўзлаштириш шундай хусусиятга эга эдики, унинг асарлари билан танишиш кейинги давр арастучилари ва янги афлотунча шарҳчилар воситасида, масалан, Александр Афродизий, Фемистий, Порфирий ва бошқалар ижодининг самараси орқали амалга оширилган эди. Бир қанча уйдирма асарлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, улардан энг муҳими “Арасту илоҳиёти” деб аталган асар эди. Ушбу асар аслида Плотиннинг “Эннеадлар” асарининг бир неча бобларидан иборат эди. Ана шундай “янги афлотунчиликка айлантирилган” арастучилик мусулмон шарқи арастучилари томонидан ишлаб чиқилган таълимотга асос бўлди.

Мусулмон Шарқи арастучилигининг асосчиси “араблар файласуфи” деб ном олган Абу Исҳоқ ал-Киндий (800-870) эди. У араблардан биринчи бўлиб, Арасту фалсафасининг асосий қоидаларини илмий амалиётга киритди. Ал-Киндий ўз рисолаларида табиат ҳодисаларини сабабий боғланишда эканликларини кўрсатишга ҳаракат қилди. Оламни замонда яратилганлигини инкор этмаса ҳам, худони у “узокдаги сабаб” сифатида кўрсатиб, гарчи у дунёни яратган бўлса-да, унинг келгусида ўз қонунларига мувофиқ равишда ривожланишига имкон беради. Шарқ арастучилиги тарихида унинг томонидан олдинга сурилган ақлнинг тўрт хили ҳақидаги таълимот катта ўрин тутди; “фаол ақл”, яъни ташқи борлиққа эга бўлган умумий нарсалар мажмуаси; “имкониятдаги ақл”, яъни руҳнинг ташқи умумий нарсаларни қабул қилишга қодирлиги, яъни инсон томонидан ёзиш санъатини ўрганишга ўхшаш; “касб этилган ақл”, яъни ёзиш санъатига ўхшаган, руҳда фаол равишда мавжуд

бўлган, аммо ҳали котиб томонидан фойдаланмаган қобиляят; “ўзини намоён қиладиган ақл”, яъни ўша касб этилган ақл, аммо ўзини ёзиш санъати каби ташқарида намоён қилган ва котиб томонидан ёзиш жараёнида идрок этилган ақл.

Шарқ арастучилигининг бундан кейинги тараққиёти Абу Наср Форобий (870-950) ва Ибн Сино (980-1037)лар номи билан боғлиқ. Ал-Киндийга қарши ўлароқ, бу икки файласуф худо оламни яратиб қўйиб, унинг ишларига аралашмайди, деган ақидани рад этиб, дунёни худо каби абадий эканлигини исбот қилиб, “дунёни яратилганлиги” истилоҳидан бош тортмаган ҳолда унга шундай маъно бахш этдиларки, худо “вожибул вужуд сифатида ўз моҳиятидан келиб чиқиб”, моддий дунё мавжудлигини фақат ҳимоя қилади холос. Моддий дунё эса “ўзи туфайли мумкинул вужуд” сифатида майдонга чиқади. Уларнинг фикрича, худо мутлақ бирлик бўлганлигидан қандайдир кўпликнинг сабаби бўла олмайди: ягоналикдан бевосита фақат ягоналик келиб чиқади. Худодан бирлик маҳсули сифатида келиб чиқадиган ўз-ўзини билиш натижаси бўлган “биринчи ақл” майдонга чиқади. “Биринчи ақл” вожибул вужуд бўлганлигидан худони идрок этади ва ундан “иккинчи ақл” келиб чиқади, негаки, у айни замонда ўз-ўзини билганлиги учун мумкинул вужуд ҳамдир. Шунинг учун ундан ўз моддийлиги билан ва унга мувофиқ келадиган шакл бўлган руҳ сифатида олий самовий доира келиб чиқади. “Иккинчи ақл” ўз навбатида келгусида келадиган доиранинг руҳ ва жисмини, ҳамда ундан ҳам пастки доирада жойлашиб ўзини бошқариб турувчи доира бўлган “учинчи ақл”ни келтириб чиқаради ва ҳоказо. Шундай келиб чиқишлар тизими бўлган эманация “фаол ақл” билан тугалланадики, у ой остидаги дунёда мавжуд бўлган инсоний руҳ ва тўрт унсур борлигининг сабаби – “пайдо бўлиш ва завол топиш дунёси” сифатида майдонга чиқади.

Фалсафанинг нима эканлигидан хабар берувчи ўнлаб таърифларни келтириш мумкин. Масалан, IX асрда яшаган араб файласуфи Абу Яқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (801-866) халифа Муътасимга бағишлаб ёзган “Биринчи фалсафа” асарида фалсафага таъриф бериб, “Инсоннинг тоқати етгунча нарсалар ҳақиқатини билиш илми” ёки “Мабаъди ут-табиа” (“Табиатдан кейин келадиган нарсалар”) китобида “Ҳар бир ҳақиқат сабабини биринчи ҳақиқатга олиб борувчи илм” деб атаган. Унинг фикрича, “Ҳақиқат изловчи учун ҳеч бир нарса ҳақиқатнинг ўзидан қимматроқ эмас”.

Дастлабки фанлар таснифини биринчилардан бўлиб ал-Киндий ишлаб чиққан. У илмий билишнинг уч босқичи ҳақидаги таълимотни шакллантирди. У биринчи босқични мантиқ ва математика; иккинчи босқични физика (аниқ фанлар); учинчи босқични эса метафизика билан боғлиқ билим, деб ҳисоблади¹.

“Бирламчи фанлар” деб аталган, айниқса унинг рационал қисми ҳисобланган фанларнинг вужудга келиши билан ислом дунёсида кўпроқ ақлий мушоҳадага мурожаат қиладиган бўлдилар ва шуларнинг натижаси сифатида “Ислом фалсафаси” номи остида алоҳида фан пайдо бўлиб,

¹ Кедров Б. М. Классификация наук. (Фанлар таснифи). В 3-томах. –М.: Мысль, 1961-1965, –С. 52.

ривожланди. Бунгача муътазила гуруҳи туфайли ҳақиқатларни кашф этиш ва диний аҳкомларни асослашга ақлий мушоҳада ва рационал муҳокамалардан фойдаланиш бошланган эди. Муътазила оқими ислом тафаккури тарихида рационализм тарафдори сифатида маълумдир. “Улар Куръон ва ҳадисларни зоҳирӣ томондан содда англашдан юқори кўтарилиб, ақлий муҳокамаларга таянган ҳолда динни ҳимоя қила олдилар”¹.

Буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий X асрда фалсафага куйидагича таъриф берган эди: “Мавжудот ҳақидаги билим кўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз”².

Форобийнинг улуғ хизмати фақат унинг фалсафани чуқур англаб етганида ва янги ғоялар, фикрлар берганидагина эмас, балки дин ва фалсафа орасидаги муносабатларни қатъий ва аниқ ифодалагани ҳамда бу икки соҳанинг инсонлар онгида бирга яшаши мумкинлигини уйғунлаштириб исботлаб берганлигидадир.

Форобий динга жиддий муносабатда бўлиб, шариатнинг зоҳирӣ томонига қарши чиқиш ўрнига, унинг ботиний моҳиятига фалсафий маъно берди. Форобий ўзининг “Ал-хуруф” (Ҳарфлар) асарида шундай дейди: “Агар дин барча умумий жиҳатлари билан такомиллашадиган фалсафага итоат этса, унда у ҳақ ва тўғридир. Аммо агар дин тўғри таҳлилий фалсафа ҳали шаклланмай, балки ҳалқ тафаккури, ғояси бўлган риторика (балогат санъати, сўзамоллик), диалектика (баҳс) ва софистика (ҳар қандай восита билан бўлса ҳам рақибни сўзда лол қолдириш) билан банд бўлган даврда пайдо бўлса, бундай фалсафага бўйсунган дин ҳам ёлғон ва хатолардан холи бўлмайди. Кўп ҳолларда у бошидан охиригача нотўғри бўлиб чиқади. Фалсафа динга нисбатан ҳам бирламчи мавқега эга, чунки фалсафа – мағз, дин – пўстлоқ, аниқроғи – фалсафанинг қуролидир”.

Форобий фикрича, пайғамбарлар ва файласуфлар билимларининг манбаи биттадир. Файласуф фаол ақл билан қўшилиб, ҳақиқатни билади, Пайғамбар эса – ҳақиқатнинг инъикоси бўлмиш ваҳий орқали билади. Дин эса ваҳий асосидаги ҳақиқатдир. Дин ва фалсафа – ҳар иккиси ҳам билим ва мушоҳададир, фарқ шундаки, дин соддалаштирилган фалсафадир. Бошқача ибора билан айтганда, дин ва фалсафа ягона бирликнинг икки хил жиҳатларидир. Фалсафа далилий ҳукмларнинг қоидаларига таянади, дин эса ўша ҳукмлар ва қоидаларнинг хитобий шаклидир. Унинг дин ва фалсафанинг ягона бирлиги ҳақидаги мулоҳазаларига қарамасдан, кейинчалик, Форобий фалсафани диндан афзалроқ ва устунроқ қўйганлигига урғу бера бошладилар. Баъзилар, жумладан андалузиялик файласуф Ибн Туфайл уни бу масалада кескин танқид қилди. Андалузиялик файласуфнинг далилига кўра, Форобий файласуф даражасини гўё пайғамбарликдан ҳам юқорироқ

¹ Хотамий С. М. Ислом тафаккури тарихидан. Таржимон Н. Қодирзода. –Т.: Минҳож. 2003. –Б.56.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирӣ номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. –Б.183-184.

қўйган. Аммо, Форобий “Дин фалсафанинг мисолларидир” деганда пайғамбар халқ тилида сўзлашишга мажбур эканлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтади. Чунки, омма далилий ҳукмларни тушунмаганлиги сабабли, далилий ҳақиқатларни хитобий шаклда баён этишдан ўзга имконият йўқ. Бинобарин, пайғамбар ҳам файласуфдир. Форобийнинг фикрига кўра, авомнинг диний қарашлари, унинг фалсафий ҳулосаларига доим ҳам мос тушавермайди ва бунинг зарурияти ҳам йўқ. Шунинг учун у ўз фикрларини бевосита авомга мослаштирмаган эди. У авом мени тушунади, деб ҳам ўйламаган ва аксинча бундан хавотир ҳам олганки, унингча “авомнинг фалсафага аралашishi, уни бузади”¹.

Рационал ислом фалсафаси ўзининг пайдо бўлиш вақтидан бошлаб мусулмон жамиятида иккита қудратли рақибга дуч келди. Биринчиси – динни ва ақлини ақидапарастларча, қотиб қолган фикр (догма) сифатида қабул қилиш бўлса, иккинчиси – тасаввуф ва ирфон эди. Тасаввуф зиддиятлар, якка ҳукмрон мустабидларнинг зулмидан азоб чеккан одамларнинг исёни ифодаси эди. Юнон фалсафасининг кейинги ирфоний оқимлар билан ўхшашлик жиҳатлари мавжуд².

Форобий фалсафасининг инкор этиб бўлмайдиган жойи шундаки, у назарий фалсафани ҳақиқий ва асосий илм, деб билиб, қолган барча фанларни унга тобе бўлган иккинчи даражали соҳалар мақомига қўйди. Фалсафалар ўртасидаги умумий дунёқарашлар билан кифояланмай, дин билан фалсафани ҳам айрим бир қисмга жойлади. Унинг фикрича, фалсафадаги масалалар исботини пайғамбарлар рамзлар шаклида баён қилганлар, зеро, моҳият жиҳатидан фалсафа билан дин ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ. Бундай қараш ўз даврида ниҳоят даражада муваффақият қозониб, исломий фалсафанинг асоси ва усулини белгилаб берувчи фикрлаш тарзига айланди. Шунинг учун ҳам Форобийнинг маълум маънода ислом фалсафасининг муассиси, яъни асосчиси, деб билмоқ керак.

Ислом фалсафаси ўз таркибига беш йўналишни қамраб олади: тасаввуф, калом, машшоиюн (перипатетиклар ёки фалосифа), исмоилий ва ишроқийлар. Буларга ҳозирги замон эрон файласуфи Муҳаммад Хотамий қуйидагича таъриф беради:

“Амалда мусулмон жамиятининг рационал мавзуларини ҳамда Каломуллоҳ (Ваҳий) ва ақл, фалсафа ва дин орасидаги муносабатларни муҳокама қилиб, ҳар бири ислом тарихида ва мусулмонларнинг тақдирида алоҳида из қолдирган тўртта тамойил (йўналиш)ни кўриш мумкин:

1. Ислом фалсафаси деб аталган ва дин билан фалсафа орасидаги уйғунлик муносабатларини олий даражада қўйган оқим.

2. Динни ақлий ва мантикий муҳокамалар, далиллар билан солиштирганда фикрлайдиган одамда уни қабул қилиш учун ҳеч бир имконият қолдирмайдиган ҳолатда олиб кўрадиган оқим.

¹ Қаранг: Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Мукаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи М. Қодиров. –Т.: Ёзувчи, 2002. –Б.6-7.

² Қаранг: Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. (Тасаввуфнинг фалсафий жиҳатлари) –М.: Наука, 1987. –Б.190.

3. Ақл ва фалсафанинг кўли қисқа, оёғи чўлоқ, у ҳақ ва ҳақиқатга олиб бора олмайди, деган ирфон ва тасаввуф оқими. Суфийлар ҳақиқатга юрак қаноти билан етишиш мумкин, дейдилар ва “далил келтириб исботловчиларнинг оёғи ёғочдандир”, улар ҳаққа етишишга ожиз, деб айтадилар.

4. Дин ва шариат ҳайбати ва ҳашамати олдида инсон ақлининг ожизлигини таъкидловчи оқим”¹.

Ушбу оқимлар бошқа халқлар ва маданиятлар, жумладан юнон олимлари қарашларидан баҳраманд бўлган ҳолда вужудга келган эди. Абу Якуб ибн Исҳоқ ал-Киндий Форобийдан юз йил олдин фалсафани жиддий ўрганишга киришган эди, бошқа олимлар эса фалсафий асарларни араб тилига таржима қилиш билан чегараланардилар. Бироқ Форобий билан ал-Киндий орасида катта фарқ бор. Бу шунда намоён бўладиги, Форобий янги йўл очган ўзининг янги мактабига асос солган файласуф бўлса, ал-Киндий ўзлаштирилган фикрларни тадқиқ этган олимдир.

Ибн Сино (980-1037) ўзининг “Донишнома” асарида таъкидлашича, “ҳаракат деб, одатда маконда содир бўладиган нарсага айтилади; аммо бу тушунчанинг маъноси ҳозир бошқача, макон ҳаракатдан кўра, умумийроқ маънони англатади: имкониятдаги нарса бўлган бирор-бир нарсанинг исталган ҳолати ва ҳаракати шу имконият сабабидан ҳаракат дейилади”².

Хулоса қилиб, Замонавий исломнинг фалсафий асосларини ўрганишда Шарқ ва Ғарб тажрибасини биргаликда олиб бориш зарурлиги ҳақида Т.Ж.Уинтер ўзининг “XXI асрда ислом” номли асарида қуйидагиларни ёзади:

“Бағдоддаги Низомия мадрасаси Ғаззолий туфайли машҳур бўлиб кетган эди, ўша мадрасада фикҳ билан бир қаторда юнон анъаналари асосидаги фалсафий илоҳиётшунослик ҳам ўқитилар, шунингдек, ўша вақтдаги раҳнамоларни рақиб мафкураларининг оёғини осмондан қиладиган зарур қурол билан таъминлар эди. Бизга янги мингликда мужаддид, муътадил, бағрикенг, руҳоний кўзқарашга эга, дунёвий тафаккурни танқид қилибгина қолмасдан, уни тушунадиган ва у билан баҳсга кириша оладиган даҳо Ғаззолий керак. Хусусан, бундай шахс янги замонга ўз ҳукмини ўтказаётган маънавият, санъат ва атроф-муҳит масалаларини пухта билиши даркор. Ғарб кишисига нима таъсир этиши ва уни нима ҳаракатлантираётганидан хабардор ғарблик мусулмон мутафаккирлари биладиги, мабодо ислом дискурси ушбу масалаларга эътибор қаратиб, муваффақиятга эришадиган, эстремизмнинг ёвуз руҳини қувадиган бўлса, динимиз нафақат гуллаб-яшнаши, қолаверса, янги асрнинг диний курашларида марказий ўринни қайта эгаллаши ҳам мумкин”³.

Ривожланишнинг умумий қонуниятларига тадрижий (эволюцион) ва сакрашсимон (инқилобий) ўзгариш, эски сифатдан янги сифатга ўтиш киради. Бу икки турдаги ўтиш фан тараққиёти учун ҳам хосдир.

¹ Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: Минҳож, 2003. –Б.58.

² Ибн Сина. Книга знания “Данишнаме”. –Сталинабад, 1957. –С.168.

³ Уинтер Т.Ж. XXI асрда ислом. –Т., Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2005. –Б.25.

Европанинг мусулмон вилоятларида, айниқса, маврлар Испаниясида, мусулмон, яҳудий, христианлар таълим беришган. Уччала эътиқод вакиллари ўз диний ақидаларини юнон фалсафаси ғоялари билан ҳимоялашга уринишган, бу албатта христиан схоластикасига таъсир этган.

ХУЛОСА

Антик фалсафадан Ўрта аср Шарқ фалсафасини ўтишнинг ўрганиш ўзига хос томонлари, муаммолари мавжуд. Уларни ҳал қилиш учун, аввал, Платон ва Аристотел фалсафаси Шарқ мутафаккирларини қайси ғоялари билан ўзига жалб қилганлигини, улардан қайсилари бу таълимотларга асос бўлганлигини аниқлаш. Яқин ва ўрта Шарқ мутафаккирларининг дунёқарашларини, тафаккур қилиш усулини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Антик фалсафадан Шарқ фалсафасига ўтишда Платон ва Аристотел таълимотларининг Шарқ, шу жумладан Марказий Осиё мутафаккирларининг дунёқарашда ўзаро тутшиб кетиши яққол кўринади. Тарихчи Иброҳим Мадкур куйидаги фикрларни билдиради: «Агар мусулмон файласуфлари Аристотелни унинг китоблари ва перипатетиклар мактаби вакиллариининг асарлари орқали билганларида эди, улар бизга қолдирган таълимотларидан ўзгачасини қолдиришлари шубҳасиз эди. Лекин «биринчи ўқитувчи» орасида Александрия мактабининг мавжудлиги уларга кучли таъсир кўрсатди. Александрия мактаби бу файласуфлар билан бевосита шуғулланди ва турли таълимотларни тадқиқ этиб, уларни диний талабларга мос равишда ўзгартириб чиқди. Агар Аристотел арабларга неоплатониклар талқинида маълум эканлигини эътиборга олсак, мусулмон файласуфлари Аристотелнинг энг яқин шогирдларига Порфирий, Темистий, Аммоний ва Давид Арманскийларга нисбатан кўпроқ билганликлари тушунарли бўлади. Мусулмон файласуфларининг фикрича, Александрия мактаби вакиллариининг шарҳлари Аристотел таълимотига қўшимча ҳисобланади»¹.

Бизнингча, Платон ва Аристотел таълимотларининг ўрта асрларда Яқин Шарқда кенг тарқалиши, уларнинг турли ғоявий оқимлар томонидан ўзлаштирилиши, ҳар икки Юнон мутафаккири дунёқарашининг кенглиги, тизимли, изчиллиги билан изоҳланади.

Шарқда ўрта асрлар арастучилиги бошқачароқ муҳитда шаклланиб борди. XIII асрнинг бошида унинг христианликка нисбатан душманлиги англаб етилди ва у таъқиқланди. Шундай бўлса ҳам унинг тавсиялари ўрта аср университетларида фаол амалга оширилди, негаки, Арастунинг асарлари шакл жиҳатдан маъруза ўқиш ва доиратул маориф (энциклопедия) маъноларини йўлга қўйишга жуда ҳам фойдали бўлиб чиқди. Арастучилик, албатта, билим ва эътиқодни бирга қўшган томизм томонидан моҳият жиҳатдан зарарсизлаштирилган бўлса ҳам, дунёни тушуниш сифатида тарқалди. Илмий дискурс сезиларли даражада ўзгаришларга дучор бўлган бўлса ҳам, аммо табиий илмий йўл-йўриқнинг ўзи сақланиб қолди ва тарқалди.

Ҳар қандай бошқа нарсалар каби инсон шахсиятининг ўрта асрлардаги қурилмалари ижтимоий ва давлат муассасалари томонидан ўртага қўйилган вазифалар билан белгиланар эди. Ҳокимият ихтиёридаги махсус марказлар воситасида амалга ошириладиган мажбурий муносабатлар ижтимоий тизим-

¹ С. Н. Григорян. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. М., 1966. С. 84.

ларда тўғридан-тўғри зўрлик ва жазолаш билан эмас, балки хатти-ҳаракат ва муносабат юргизишнинг ижтимоий-зарурий меъёрларини қўллаш орқали кишиларни бошқариш кўпроқ муҳим аҳамиятга эга бўлиб борди. Фикр ва зикр, майлларнинг манбаи сифатидаги руҳ ҳақидаги ғамхўрлик шундан келиб чиққан эди. Улар бирор сабаб қўзғатувчи эмас, балки назорат остида бўлмоқлари зарур эди. Агар Арасту фаол ва мажхул ақл, руҳнинг озиклантирувчи, сезиларли, ҳаракатланувчи ва ақлий шаклларини бири-биридан ажратган бўлса, ўрта аср муаллифлари руҳий жараёнлар унсурларини ундан кўра пухтароқ даражаларга ва субординацияларга бўлдилар. Масалан, гуноҳга сабаб бўладиган ўн икки йўлдан оздириш воситасини ажратиб кўрсатиб, уларни ўз навбатида етти жиҳатдан қараб чиқдилар; гуноҳга тортувчи руҳ заифлигининг олти хилини жорий қилдилар. Агар Арастунинг ақл ҳақидаги дискурси илмий қизиқиш билан суғорилган бўлиб, демократик полисининг ижтимоий қадриятлар адолатлилиги, қонунийлиги, ватанпарварликнинг ижтимоий ҳиссиёти, эзгу шон-шараф ва шунга ўхшашлар билан тўлиб тошган бўлиб, полисининг талабларини ифода қилса, ўрта асрлардаги тил услуби, яъни руҳий жараёнларни гуноҳ ва тавба истилоҳларида баён қилиниши жуда кўп даражада ҳокимият манфаатлари билан тўлиб тошган эди. Инсон танлаб олишга қодир бўлган озод шахс сифатида намоён бўлди ва шунинг учун ўз-ўзини назорат қилишнинг шундай механизми зарурки, токи у, бу танланган нарсани жамият учун керакли бўлган йўналишга солиб юбора олсин.

“Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ давом этган қаттиқ мафкуравий тазйикқа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди”¹.

Мусулмон Шарқда фалсафий тафаккурнинг пайдо бўлиш тарихи ёзма равишда VIII асрга тааллуқли бўлиб, илк калом вакиллари бўлган мўътазилийларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Илоҳиёт баҳсларида ўзларининг қатъий ақлга таянишлари билан алоҳида ажралиб турган илоҳиётчилар гуруҳи бўлган мўътазилийлар Бағдодда халифа Маъмун саройида катта нуфузга эга бўлдилар. Инсоннинг ирода эркинлиги ва илоҳий сифатлар масаласини муҳокама қилишдан ўз фаолиятларини бошлаган мўътазилийлар шундай таълимотни ишлаб чиқдиларки, у диний мавзудан четга чиқиш билан чекланмасдан, ҳатто мусулмончилик эътиқодининг баъзи ақидаларини ичдан бузар эди. Масалан, уларнинг қайд этишларича, табиат қонунларигагина мувофиқ фаолият кўрсатиши мумкин бўлган Аллоҳга қарама-қарши ўлароқ, инсон ўз иродасича ҳар қандай хатти-ҳаракат кўрсатиши мумкин эди. Унинг учун эзгулик ва ёвузликнинг ягона мезони сифатида унинг ақли хизмат қилмоғи лозим эди. Улар биринчи бўлиб Холиқни инсон қиёфасида тасаввур этишга қарши чиқиб, унга мажхул

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.137.

илоҳий ғояни қарама-қарши қўйдиларки, ўз моҳиятига кўра у ирода, қудрат, билим ва бошқа сифатлардан ҳоли эди. Жумладан, худода нутқ борлигини инкор этиб, Қуръоннинг абадийлиги ҳақидаги таълимотни рад этдилар. Қуръонни бундай талқин қилиш мўътазилийларга ва кейинчалик арастучиларга уни рамзий маънода тушунишга имкон бериб, ўз қарашларини унга мувофиқлаштиришга йўл очди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А “Юксак маънавият -енгилмас куч”Т: “Ўзбекистон” 2008
2. Каримов И.А."Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз". Т.: "Ўзбекистон". 2001.
3. Каримов И.А. "Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди". -Т.: "Ўзбекистон", 2005.
4. Каримов И. А Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор». Газетаси муҳбири саволарига жавоблар Т: , 2 -б.2000й 8 июн.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: "Янги аср авлоди". 2001 й.
6. Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Мақолалар тўплами. Т.: Фан, 1980. 8.Баратов М. Абу Али ибн Сино – буюк мутафаккир. Т.: Фан, 1980.
7. Исҳоқов С. Бурхониддин Марғиноний ва фикҳ илми.Т. “Адолат”, 2000,.
8. Ибн Сино. Донишнома. Сталинобод, 1957
9. Мустиқиллик: илмий, изоҳли, оммабоп луғат. Т. 1999. "Шарк".
- 10."Ҳақиқат манзаралари" 96 мумтоз файласуф -Т. "Янги аср авлоди", 2002.
- 11.Саидов А. Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. –Т., 1998.
- 12.Семенов А. А. Абу Али ибн Сино. Сталинобод, 1945.
- 13.Петрушевский И. Б. Ислам в Иране в VII-XV вв. Курс лекций. ЛГУ, 1966.
- 14.Rescher N. Studies in the History of Arabic logic. -Р. 21.
- 15.Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии.Т. Фан, 1981.
- 16.Pescher N. Al-Farabi on logical tradition //Journal of the Histori of ideas. – 1963. -Vol. 24.
- 17.Грюнбаум Г. Э. Классический ислам. –М. Наука, 1998.
- 18.Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: Фан, 1997.

Интернет сайтлари

1. www.gow.uz
2. www.vlibrary.freenet.uz
3. www.press-service.uz
4. www.filosofia.ru
5. www.philosophy.nsc.ru
6. <http://vlibrary.freenet.uz>
7. <http://psylib.irkweb.net>.
8. www.bilim.uz
9. www.history.ru